

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

44-сон
(856)
2018 йил
5 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

858. «Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПФ–5564-сон Фармони
859. «Олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларни, шунингдек, стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПФ–5565-сон Фармони
860. «Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 октябрдаги ПФ–5566-сон Фармони

861. «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида инвестициявий лойиҳани амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПҚ–3989-сон қарори [Кўчирма]
862. «Ўзбекистон Республикаси божхона органлари кадрларини тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 ноябрдаги ПҚ–3995-сон қарори

Учинчи бўлим

863. «Ёқилғи-энергетика ресурсларининг нарх ва тарифларини босқичма-босқич ўзгартириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 ноябрдаги 897-сон қарори
864. «Давлат божи ставкаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 ноябрдаги 904-сон қарори

Бешинчи бўлим

865. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими марказининг 2018 йил 10 сентябрдаги 10-мх, 9/ққ-сон «Умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида бериладиган касблар бўйича малака талабларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 29 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3081*)
866. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 31 октябрдаги 508-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 14-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2202-3*)
867. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 30 октябрдаги 51-сон «Дорихона шароитида «ангро» маҳсулотини қадоклаш, ўраш, маркировка ва реализация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3082*)
868. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 8 октябрдаги 7-мб-сон «2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва

кўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2956-4)

869. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 8 октябрдаги 6-мб-сон «2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3083)

870. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 28 сентябрдаги 43, 13-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2731-1)

871. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 28 сентябрдаги 14-мх-сон «Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3084)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 27 октябрдан 2 ноябргача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

858 Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Республикада улгуржи ва биржа савдоси корхоналари фаолияти учун зарур ҳуқуқий асос яратилган, замонавий ахборот технологиялари жорий этилган ҳолда чакана савдо тармоқлари жадал ривожланмоқда, тадбиркорлик субъектларининг моддий-техник ресурслардан фойдаланиши кенгаймоқда.

Шу билан бирга, товар бозорларининг ҳозирги ҳолати, улгуржи ва биржа савдосининг ривожланиш даражаси замонавий талабларга жавоб бермайди. Савдо айланмасининг кенгайишига, ички бозорни ва ишлаб чиқарувчиларни зарур товарлар билан таъминлашга ҳамда республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилишга тўсқинлик қилаётган бир қатор муаммолар мавжуд, хусусан:

улгуржи савдонинг ривожланиши, кейинчалик қайта ишлаш учун ярим тайёр маҳсулотларни ва саноат маҳсулотларини, «бизнес учун — бизнес» (B2B) тамойили бўйича бошқа товарларни етказиб бериш тизими даражасининг пастлиги хўжалик юритувчи субъектлар транзакция харажатларининг ошишига ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ташқи бозорларда рақобатбардошлиги пасайишига олиб келмоқда;

тадбиркорларни, айниқса, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини бозор нархларининг ноқулай ўзгариши оқибатларидан муҳофаза қилиш имконини берувчи фьючерслар, ҳосила молиявий воситалар ва биржа товарлари савдосининг бошқа замонавий механизмларининг суст жорий этилиши натижасида операциялар ҳажми ва савдога чиқариладиган товарлар турлари чекланмоқда;

савдо субъектларининг устав капиталида давлат улушининг юқорилиги, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида эскирган чекловларнинг сақланиб қолинаётганлиги мазкур соҳаларда рақобат муҳитининг изчил ривожланишига тўсқинлик қилмоқда;

товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларни, шу жумладан, хорижий истеъмолчиларни мамлакатда ишлаб чиқарилаётган талаб юқори бўлган маҳсулотлар турлари ва ҳажмлари тўғрисида хабардор қилишга доир ишларнинг тизимли йўлга қўйилмаганлиги республика ичида, шунингдек, хорижий ишлаб чиқарувчилар билан ишлаб чиқариш кооперациясининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 31 октябрда эълон қилинган.

Савдо механизмларини янада такомиллаштириш, товарлар бозорида соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва харажатларини камайтириш, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг:

а) 2019 йил 1 январдан бошлаб қуйидагиларни:

улгуржи савдони амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш ва савдо корхоналарини солиққа тортишнинг махсус тартибини;

акциз солиғи солинадиган товарларнинг айрим турларини (автомобиль, ўсимлик ёғи ва бошқалар) сотишдан тушадиган тушумлар ҳисобини юриш ва ундан фойдаланишнинг махсус тартибини;

кўчма савдо учун рухсатнома олиш талабини;

давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган корхоналар контрагентлари билан ўзаро муносабатларда кечиктирилган дебиторлик қарзлар учун санкцияларни;

давлат улуши 50 фоиздан кам бўлган корхоналар билан шартномалар бўйича ички бозорда олдиндан 15 фоиз тўловни амалга оширишга доир талабни;

1-иловага мувофиқ айрим турдаги товарлар экспортига чекловларни;

келишишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этган ҳолда, маҳсулотларни биржа савдосига чиқариш жадвалларини Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси билан келишишнинг амалдаги тартибини;

молиявий истеъмол кредитини ишлаб чиқарувчидан ёки реализация қилувчи ташкилотдан фақат Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари (хизматлари)ни сотиб олиш учун бериш тўғрисидаги талабларни бекор қилиш;

б) 2018 йил 1 ноябрдан бошлаб қуйидагилар:

товар-хом ашё биржаларига биржада сотиладиган маҳсулотларни сақлаш ва логистика қилиш, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича шуъба хўжалик бирлашмаларини тузиш;

импорт бўйича олиб келинган юқори ликвидли маҳсулот турларини, эгаларининг хоҳишига кўра, ички бозорда, шу жумладан, биржа савдоларида чекловларсиз сотиш;

биржа савдоларида харид қилинган юқори ликвидли маҳсулотлар, хом ашё ва материаллар турларини сотувчи томонидан чиқариб юбориш тўлов муддатидан келиб чиққан ҳолда биржаларнинг электрон тизими орқали қатъий белгиланадиган муддатлар ва навбатлар бўйича амалга ошириш тартибини белгилаш;

в) 2018 йил 1 ноябрдан бошлаб нақд пул тушумини топшириш ва ундан фойдаланишнинг қуйидагиларни:

энг кам ойлик иш ҳақининг 20 бараваридан ортиқ миқдорда кунлик

ўртача нақд пул тушуми бўлган хўжалик юритувчи субъектлар нақд пулни банк кассаларига инкассация хизматлари орқали ёки мустақил равишда кунлик топшириш имконияти;

ушбу кичик банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган микдордан кам бўлган кунлик ўртача нақд пул тушумига эга хўжалик юритувчи субъектлар нақд пулни банк кассаларига инкассация хизматлари орқали ўзлари белгилаган даврларда ёки мустақил равишда топшириши имконияти;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муқобил инкассация хизматларини ташкил этган ҳолда нақд пул тушумини фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг инкассация хизмати орқали топширишни бекор қилиш;

юридик шахслар, шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни олди-сотди шартномаларини тузмасдан инвойс (ҳисоб-фактура) бериш орқали корпоратив банк карточкаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилишини назарда тутувчи тартибини жорий этиш ҳақидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Белгилансинки:

халқаро тўлов тизими орқали тўланган ҳолда бутунжаҳон Интернет тармоғи орқали битта инвойс бўйича 5 минг АҚШ долларигача товар (хизмат)ларни экспорт қилишда харидор билан ёзма шартнома тузиш талаб этилмайти ва барча юридик ва жисмоний шахсларга умумқабул қилинган халқаро амалиётга мувофиқ ҳисобот юритган ҳолда Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига ахборот киритмасдан ҳамда почта алоқа хизматлари кўрсатиш қоидаларига мувофиқ юкнинг божхона декларациясини расмийлаштирмасдан амалга оширишга рухсат этилади;

2019 йил 1 январдан бошлаб товар-хом ашё биржаси аъзоларининг даромадларига қимматли қоғозлар бозорида брокерлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар учун белгиланган солиққа тортиш шартлари татбиқ этилади;

жисмоний шахсларга умумий қиймати 5 минг АҚШ долларидан кўп бўлмаган товарларни божхона декларацияси тақдим этмасдан Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишга рухсат этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузурида 38 нафар штат бирлигидан иборат Тармоқ бозорлари ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш тадқиқотлари маркази давлат муассасаси шаклида ташкил этилсин ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

республикада ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) номенклатураси ва турлари тўғрисида хўжалик юритувчи субъектларга ахборот бериш учун мунтазам янгиланиб бориладиган электрон-ахборот порталини яратиш;

ички ишлаб чиқариш қувватлари, товарларга бўлган талаб ва таклифнинг ҳажмлари, шунингдек, ишлаб чиқариладиган ва истеъмол қилинадиган маҳсулотга ички бозорда нархларнинг ўзгариши ҳақидаги маълумотлар базасини шакллантириш;

товар бозорларидаги нархлар, талаб ва таклифларнинг ўзгариши дина-

микасини таҳлил ва мониторинг қилиш ҳамда шу асосида тегишли таклифлар тайёрлаш;

тармоқ бозорлар конъюнктурасини республика ва ҳудудлар кесимида комплекс ўрганиш, уларнинг мувозанатли ривожланиши тўғрисида таклифлар тайёрлаш.

4. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда республиканинг барча ҳудудларида семинарлар ўтказсин ва хўжалик юритувчи субъектларга биржа ва улгуржи савдо фаолиятини ташкил этиш бўйича зарур амалий ёрдам кўрсатилишини таъминласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» АЖнинг устав капиталидаги давлат улушини «Тошкент» республика фонд биржасида бирламчи (IPO) ва иккиламчи (SPO) оммавий таклифлар бериш орқали сотиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда МДХга аъзо давлатларнинг монополияга қарши келишилган сиёсатини амалга ошириш тўғрисидаги Шартномани белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

6. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида ушбу Фармон қоидалари ва тадбиркорлик субъектлари учун яратилган қўшимча имкониятлар тўғрисидаги маълумотларнинг кенг ёритилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г.К. Саидова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 30 октябрь,
ПФ–5564-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги
ПФ–5564-сон Фармонига
1-ИЛОВА

**2019 йил 1 январдан бошлаб экспорт чеклови бекор
қилинадиган айрим товарлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Товар номи	ТИФ ТН коди
1.	Чўчқа гўшти	0203
2.	Уй паррандасининг гўшти ва қўшимча озуқабоп гўштли маҳсулотлари	0207
3.	Ёғсиз гўшдан алоҳида ажратиб олинган чўчқа ёғи ва эритилмаган ёки бошқа йўл билан ажратиб олинмаган уй паррандаси ёғи	0209
4.	Ўсимлик ёғи	1507, 1512 (техник мойдан ташқари 1512 11 100 0, 1512 21 100 0), 1516
5.	Шакар	1701-1702
6.	Нон-булка маҳсулотлари	1905
7.	Вольфрам рудалари ва концентратлари	2611 00 000 0
8.	Ипак чиқиндилари (титишга яроқсиз пилла, ипак ип чиқитлари ва титилган хом ашё)	5003 00 000 0

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги
ПФ–5564-сон Фармонига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 1995 йил 12 майдаги ПФ–1154-сон Фармонида:

а) 1-бандидаги «Барча мулкчилик шаклларидаги» сўзлари «Устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ёки ундан ортиқ бўлган» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банднинг иккинчи хатбошидаги «барча мулкчилик шаклидаги» сўзлари «устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ёки ундан ортиқ бўлган» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи бозорларда маҳаллий товарлар экспорт қилинишини рағбатлантириш ва рақобатдошлигини

таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 15 декабрдаги ПФ–5286-сон Фармони 1-иловасининг рус тилидаги матнида:

а) 2-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

« 2.	Мясо и пищевые мясные субпродукты	0201 — 0210 (кроме 0203, 0207, мяса ослов, мулов или лошаков по субпозициям 0205 00, пищевых субпродуктов свиней, ослов, мулов или лошаков по кодам 0206 30 000 — 0206 80 910 0, 0206 90 910 0, 0208 10, а также 0208 50 000 0, 0208 90 700 0, 0210 11 — 0210 19, 0210 99 410 0, 0210 99 490 0, 0210 99 710 0, 0210 99 790, 0 0210 99 800 0)	»;
------	-----------------------------------	--	----

б) 5, 6, 7 ва 8-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

в) 11-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

« 11.	Коконь шелкопряда, пригодные для разматывания, шелк-сырец (некрученный)	5001 00 000 0, 5002 00 000 0	».
-------	---	------------------------------	----

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 16 январдаги ПФ–5303-сон Фармонида:

а) 9-бандидаги «2019 йил 1 январга қадар» сўзлари «2020 йил 1 январга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

номидаги «2019 йил 1 январга қадар» сўзлари «2020 йил 1 январга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги тахрирдаги 4² позиция билан тўлдирилсин:

« 4 ² .	Гуруч	1006	».
--------------------	-------	------	----

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўқимачилик саноати корхоналарини жадал ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 28 мартдаги ПҚ–1512-сон қарорининг рус тилидаги матнида 1-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Распространить действие пункта 6 постановления Кабинета Министров от 25 марта 2004 г. № 141 по отношению ко всем субъектам предпринимательства».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ–2934-сон қарорининг 1-иловаси «Тармоқ бозорлари ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш тадқиқотлари маркази» блоки билан тўлдирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари би-

лан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 17 январдаги ПҚ–3479-сон қарорида:

а) 9-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2020 йил 1 январга қадар муддатга ички истеъмол бозорларида, шу жумладан, биржа савдоларида эгаларининг ихтиёрига кўра чекловларсиз сотилиши мумкин бўлган ҳамда импорт қилишда божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёз бериладиган (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно) маҳсулот, хом ашё ва материаллар рўйхати 3-иловага мувофиқ маъқуллансин»;

б) 3-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«2020 йил 1 январга қадар муддатга импорт қилишда
божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёз бериладиган
(божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан
мустанно) маҳсулот, хом ашё ва материаллар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Товар номи	ТИФ ТН коди
1.	Цемент, шу жумладан, цемент клинкери	2523
2.	Асбест	2524
3.	Қурилиш ойнаси	7003, 7004, 7005
4.	Ёғоч-тахта ва ёғоч-тахта материаллари	4403, 4404, 4406, 4407
5.	Кўмир	2701, 2702

Изоҳ: асосий қурилиш материаллари, шу жумладан, цемент клинкери ва асбест импорт қилинишида божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно) ишлаб чиқарувчи корхоналарга ўзларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ҳам қўлланилади».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларнинг олиб ўтилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 6 февралдаги ПҚ–3512-сон қарорининг рус тилидаги матнида 1-банд «в» кичик бандидаги «3 000 (три тысячи) долларов США» сўзлари «5 000 (пять тысяч) долларов США» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3724-сон қарорининг 1-банди бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«халқаро тўлов тизими орқали тўланган ҳолда бутунжаҳон Интернет тармоғи орқали битта инвойс бўйича 5 минг АҚШ долларигача товар (хизмат)ларни экспорт қилишда харидор билан ёзма шартнома тузиш талаб этилмайди ва барча юридик ва жисмоний шахсларга умумқабул қилинган халқаро амалиётга мувофиқ ҳисобот юритган ҳолда Ташқи савдо операциялари-

нинг ягона электрон ахборот тизимига ахборот киритмасдан ҳамда почта алоқа хизматлари кўрсатиш қоидаларига мувофиқ юкнинг божхона декларациясини расмийлаштирмасдан амалга оширишга рухсат этилади».

Изоҳ.

Ушбу илованинг 1 ва 2-бандлари 2019 йил 1 январдан кучга киради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

859 Олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган хужжатларни, шунингдек, стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлигини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий мамлакатларга ва чет давлатлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари (кейинги ўринларда — олий даражадаги ташрифлар) давомида имзолаш учун хужжатларни тайёрлаш ишларини тизимли ташкил этиш, стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналар (кейинги ўринларда — стратегик корхоналар) иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширишга кўмаклашишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига қуйидаги қўшимча функциялар юклатилсин:

олий даражадаги ташрифлар давомида имзолаш учун хужжатларни, уларнинг асослилигини ва ижро этиш имкониятларини таҳлил қилган ҳолда тайёрлашда вазирлик ва идораларга кўмаклашиш;

олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган хужжатлар ва стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг маълумотлар базасини шакллантириш;

олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган хужжатларни ва стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда кўмаклашиш, тегишли тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаб, тизимли таҳлил қилган ҳолда, якуний натижаларга эришиш учун уларни ҳал этишда, шу жумладан, жойига чиққан ҳолда зарур ёрдам кўрсатиш;

* Ушбу Фармон «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 31 октябрда эълон қилинган.

олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар, стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши устидан мониторинг ва доимий назоратни амалга ошириш ҳамда уларнинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиш;

вазирлик ва идораларнинг олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларни ва стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги ахборотларининг асосланганлигини бирламчи маълумотлар асосида ўрганиш;

чет эллик ҳамкорлар ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари билан «телекўприк» ташкил этиш орқали олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ижросини мунтазам муҳокама қилиш, уларнинг асослантирилган ҳисоб-китобларга эга, аниқ, ташаббускор инвестиция лойиҳаларини тақдим этиш борасидаги фаолияти самарадорлигини баҳолаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тузилмасида:

олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларни ва стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга ҳар томонлама қўмаклашиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш учун масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси ўринбосари лавозими қўшимча равишда жорий этилсин;

бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони 12 кишидан иборат Олий даражадаги ташрифлар яқунлари бўйича эришилган келишувлар ижросини назорат қилиш ва унга қўмаклашиш шуъбаси ташкил этилсин;

бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони 8 кишидан иборат Стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари ижросини мониторинг ва назорат қилиш шуъбаси ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу бандда назарда тутилган тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 10 та штат бирлигини оптимallasштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси штат бирликларининг камайтирилиши ҳисобига қўшимча 11 та штат бирлиги ажратиш орқали амалга оширилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги олий даражадаги ташрифлар муддатлари аниқланишига қараб бир кун муддатда бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини ёзма равишда хабардор қилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда олий даражадаги ташрифлар давомида имзолаш учун, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари бўйича ҳужжатларни тайёрлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида қарор қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорида назарда тутилган ташкилий тадбирларнинг ўз вақтида ижро қилиниши устидан назорат ўрнатади;

олий даражадаги ташрифлар давомида имзолаш учун ҳужжатлар лойиҳалари ташриф бошланишидан бир ой аввал Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси билан бирга батафсил кўриб чиқилганидан сўнг Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилади. Бунда ҳужжатлар лойиҳалари Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига киритилаётганда параллел равишда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли тузилмаларига ҳам киритилади;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ҳар ойда олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ва стратегик корхоналар иш-тироқидаги инвестиция лойиҳалари ижросининг бориши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритади.

4. Олий даражадаги ташрифлар давомида эришилган келишувларни ва имзоланган ҳужжатларни ижро этиш учун тузилган идоралараро хайъат органларини (комиссиялар, гуруҳлар) тугатган ҳолда Олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ижросини таъминлаш масалалари бўйича республика мувофиқлаштирувчи гуруҳи 1-иловага* мувофиқ ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

олий даражадаги ташрифлар давомида имзолаш учун ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш жараёнини мувофиқлаштириш;

олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижросини якуний натижаларга эришган ҳолда таъминлаш;

олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан тезкор чоралар кўриш;

ушбу Фармонга мувофиқ юклатилган қўшимча функцияларни тезкорлик билан бажаришда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига кўмаклашиш.

5. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларни тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширишга кўмаклашиш доирасида:

Ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси тузилмалари билан — олий даражадаги ташрифлар давомида имзолаш учун ҳужжатларни тасдиқлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, шунингдек, олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган асосий ҳуқуқий муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш юзасидан;

Иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш, инвестиция ва ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси тузилмалари билан — олий даражадаги ташрифлар давомида имзолаш учун ҳужжатларни ишлаб чиқиш, шунингдек, инвестициявий ва ташқи савдо сиёсатини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган тизимли муаммоларни аниқлаш юзасидан;

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати билан — олий даражадаги ташрифлар давомида имзолаш учун ташқи сиёсий ҳамкорлик соҳасидаги ҳужжатларни ишлаб чиқиш, шунингдек, уларни келгусида ижро этиш масалалари юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан — олий даражадаги ташрифларга тайёргарликни ташкил этиш, шу жумладан ташриф давомида имзолаш учун ҳужжатларни тайёрлаш, шунингдек, уларни келгусида ижро этиш масалалари юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги билан — хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан — олий даражадаги ташрифлар яқунлари бўйича ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган аниқ инвестиция лойиҳалари, халқаро молия институтларининг қарзлари, кредитлари, техник қўмак маблағларини (грантларини) жалб қилиш юзасидан;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари билан — тегишли ҳудудларда инвестиция лойиҳаларини самарали амалга ошириш юзасидан ҳамкорлик қилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Вазирлар Маҳкамаси ва Бош прокуратураси:

олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ва стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан юзаки (аниқ амалий натижаларга эришилмасдан) ижро этилишига йўл қўймаслик чораларини кўрсин;

олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ва стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари ижросининг бориши тўғрисидаги ахборотнинг вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан «Ijgo.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими (кейинги ўринларда — «Ijgo.gov.uz» тизими) орқали ўз вақтида тақдим этилиши устидан катъий назорат ўрнатсин;

олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ижросининг бориши, шунингдек, стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ҳар ойда кўриб чиқилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритилишини таъминласин;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларга олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ва стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари-

ни ижро этишда бюрократизм ва масалаларни ҳал қилиш муддатларининг чўзилиши ҳолатларини бартараф этиш орқали доимий равишда кўмаклашин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва бошқа масъул идоралар икки ҳафта муддатда 2017 йилдан бошлаб олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ва стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари бўйича, шу жумладан, уларнинг ижро ҳолати тўғрисида маълумотлар базасини шакллантириш учун «Ijgo.gov.uz» тизимига интеграция қилиш имконияти мавжуд бўлган электрон материалларни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига тақдим этсин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси бир ой муддатда тақдим этилаётган материалларнинг тўлиқлиги, сифати, уларни янгилаб бориш тезлиги ва ҳар бир идора бўйича маълумотлар базасининг мавжудлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ва стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари ижросини назорат қилиш жараёнига ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишини, келгусида уларнинг «Ijgo.gov.uz» тизимига интеграция қилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда хориждаги Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг «Ijgo.gov.uz» тизимига мониторинг режимида кириш имкониятини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Ташқи ишлар вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ҳисоб палатаси ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ҳамда хорижий ҳамкорлар ўртасида видеоконференц-алоқа ўрнатиш имконини берувчи «телекўприк» ишга туширилишини бепул асосда таъминласин.

9. Қўйидагиларга шахсий жавобгарлик юклатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси (Икрамов)га — олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ва стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари ижросига кўмаклашиш ва уни назорат қилиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (Камилов), Ташқи савдо вазирлиги (Ходжаев), Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси (Холмурадов) ва бошқа манфаатдор вазирликлар раҳбарларига — олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларда аввалдан қўйилган мақсадларга эришиш ва стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича кўтарилган масалаларни ва юзага келган

муаммоларни ҳал қилишга қаратилган вазифалар ижроси натижаларини ўз вақтида ва сифатли тақдим этиш учун;

вазирлик ва идораларга — олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига ушбу Фармонга мувофиқ материалларни ўз вақтида, асослантилган ҳолда ва тўлиқ тақдим этиш учун;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига — олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларни ижро этиш доирасида қўйилган вазифаларни ўз вақтида бажариш, шу жумладан, инвесторлар ва тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда ер участкаларини ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишда кўмаклашиш учун.

10. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ижроси учун масъул вазирлик ва идоралар билан бир хилда шахсий жавобгар ҳисобланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ташқи ишлар вазирлиги тегишли равишда ҳукумат ва идоралараро даражада халқаро ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларнинг маълумотлар базасини яратсин ҳамда келгусида унинг «Ijgo.gov.uz» тизимига интеграция қилинишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 10 августдаги ПФ–5147-сон Фармонига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг раиси М.М. Икромов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 30 октябрь,
ПФ–5565-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги
ПФ-5565-сон Фармониغا
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон
Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил
10 августдаги ПФ-5147-сон Фармониغا киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«олтинчи, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий мамлакатларга ва чет давлатлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари (кейинги ўринларда — олий даражадаги ташрифлар) давомида имзоланган ҳужжатлар ҳамда стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналар (кейинги ўринларда — стратегик корхоналар) иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилишини ташкил этиш ва назорат қилиш».

2. 3-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ».

3. 4-банддаги «70» рақами «81» рақами билан алмаштирилсин.

4. 5-банднинг учинчи хатбошидаги «Давлат» деган сўз чиқариб ташлансин.

5. 6-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари, шунингдек, олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ва стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилмаганлиги, шу жумладан, улар ижросининг бориши тўғрисидаги ахборотни «Ijgo.gov.uz» тизими орқали тўлиқ, ишончли ва ўз вақтида тақдим қилмаганлиги, бюрократизмга ва масалаларни ҳал қилиш муддатларининг чўзилишига йўл қўйганлиги учун вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларини жавобгарликка тортиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари, олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ва стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари ижросининг бориши тўғрисидаги ахборотни «Ijgo.gov.uz» тизими орқали тўлиқ, ишончли ва ўз вақтида тақдим этмаган ходимларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида тақдимнома киритиш».

6. 1-илова* қуйидаги тахрирда баён этилсин:

7. 2-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. 3-иловада:

а) 7-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий мамлакатларга ва чет давлатлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари (кейинги ўринларда — олий даражадаги ташрифлар) давомида имзоланган ҳужжатлар ҳамда стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналар (кейинги ўринларда — стратегик корхоналар) иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

б) 8-банднинг «е» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«е) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари, шунингдек, олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ва стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилишини ташкил этиш ва назорат қилиш соҳасида:

олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларни, уларнинг асослилигини ва ижро этиш имкониятларини таҳлил қилган ҳолда тайёрлашда вазирлик ва идораларга кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари, шунингдек, олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ва стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг маълумотлар базасини шакллантириш;

олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларни ва стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда кўмаклашиш, тегишли тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаб, тизимли таҳлил қилган ҳолда, якуний натижаларга эришиш учун уларни ҳал этишда, шу жумладан, жойига чиққан ҳолда зарур ёрдам кўрсатиш;

олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар, стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши устидан мониторинг ва доимий назоратни амалга ошириш ҳамда уларнинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиш;

вазирлик ва идораларнинг олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларни ва стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги ахборотларининг асосланганлигини бирламчи маълумотлар асосида ўрганиш;

чет эллик ҳамкорлар ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари билан «телекўприк» ташкил этиш орқали олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ижросини мунтазам муҳокама қилиш, уларнинг асослантилган ҳисоб-китобларга эга, аниқ, ташаббускор инвестиция лойиҳаларини тақдим этиш борасидаги фаолияти самарадорлигини баҳолаш»;

в) 9-банд:

қуйидаги мазмундаги ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари, шунингдек, олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ва стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилмаганлиги, шу жумладан, улар ижросининг бориши тўғрисидаги ахборотни «Ijgo.gov.uz» тизими орқали тўлиқ, ишончли ва ўз вақтида тақдим қилмаганлиги, бюрократизмга ва масалаларни ҳал қилиш муддатларининг чўзилишига йўл қўйганлиги учун вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларини жавобгарликка тортиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ва стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари ижросининг бориши тўғрисидаги ахборотни «Ijgo.gov.uz» тизими орқали тўлиқ, ишончли ва ўз вақтида тақдим этмаган ходимларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида тақдимнома киритиш»;

ўнинчи — ўн иккинчи хатбошилар тегишли равишда ўн иккинчи — ўн тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

г) 11-банддан «штатлар жадвали» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

д) 12-банднинг иккинчи хатбошидаги «иккита» сўзи «учта» сўзи билан алмаштирилсин;

е) 13-банд қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ҳисоб палатаси штат жадвалини бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида тасдиқлайди»;

тўртинчи — саккизинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ж) 14-банднинг бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас»;

з) 15-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, тиббий ва транспорт таъминоти бўйича Ҳисоб палатасининг раиси Ўзбекистон Республикаси Президенти Маслаҳатчисига, раиснинг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Президенти Маслаҳатчисининг биринчи ўринбосарига, раис ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Президенти Маслаҳатчисининг ўринбосарига, Ҳисоб палатасининг масъул ходимлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли ходимларига тенглаштирилади»;

и) 16-банднинг учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«узоқ муддатли узлуксиз иш стажи учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ходимлари учун белгиланган миқдорларда»;

к) 23-банддаги иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

л) 26-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ишлар бошқармаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Молия-ҳўжалик департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**860** **Жинойй-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг яқин ҳамкорлиги асосида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоялашни таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Мазкур фаолиятда мамлакатдаги криминоген вазиятни ўта аниқликда белгилаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича амалдаги механизмларнинг долзарб муаммо ва камчиликларини аниқлаш, шунингдек, уларни такомиллаштиришнинг ҳар томонлама ўйланган истиқболларини ишлаб чиқиш имконини берувчи жинойй-ҳуқуқий статистикани юритиш ва жиноятларни таҳлил қилишнинг самарали тизимини жорий этиш муҳим ўрин эгаллайди.

Шу билан бирга, жиноятчилик ҳолати статистикасини юритиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, тизимли таҳлил ва сифатли назоратни йўлга қўйиш, прокурор назоратини амалга оширишда маълумотларнинг аниқ, ишончлилиги ва янада малакали қайта ишлашни таъминловчи замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш бўйича амалдаги механизмларни такомиллаштириш зарур.

Жинойй-ҳуқуқий статистика тизимини такомиллаштириш, жиноятлар ҳисобини юритишнинг шаффофлигини таъминлаш, шунингдек, уларнинг содир этилиши сабабларини мақсадли таҳлил қилиш йўли билан жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2018 йил 1 декабрдан бошлаб жиноятлар, уларни содир этган шахслар ва жиноят ишлари ҳаракатланишининг ягона ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан (кейинги ўринларда — Бош прокуратура деб юритилади) амалга оширилади.

2. Бош прокуратура ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Электрон жинойй-ҳуқуқий статистика» ягона ахборот тизимини (кейинги ўринларда — Ягона ахборот тизими деб юритилади) жорий этиш таклифига розилик берилсин ва унда қўйидагилар назарда тутилсин:

статистик карточкаларнинг электрон шакллари тузиш орқали жиноят ишлари, терговга қадар текширув материаллари, суд муҳокамалари ҳамда суд қарорлари ижроси натижалари, шунингдек, айбланувчи ва жабрланув-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 2 ноябрда эълон қилинган.

чи тарикасида жалб этилган иштирокчилар бўйича маълумотларнинг ягона хисобини юритиш;

прокуратура, суд ва бошқа давлат органлари ўртасида дастлабки тергов ва суриштирув органларининг электрон маълумот алмашув шаклини, шу жумладан, ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини интеграция қилиш йўли билан жорий этиш;

жиноий-хуқуқий статистикани юритиш тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва уни шакллантириш жараёнида инсон омилини истисно этиш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

аниқланган, очилган жиноятлар ёки терговнинг бошқа натижалари, шунингдек, жиноят содир этган шахслар бўйича статистик маълумотлар электрон статистик карточка шакллантириладиган Ягона ахборот тизимига киритилади;

жиноят ишлари ҳамда терговга қадар текширув материалларига тартиб рақамлари Ягона ахборот тизимига тегишли статистик маълумотлар киритилгандагина берилади;

суд муҳокамаси ҳамда суд қарорлари ижросининг натижалари, шунингдек, айбланувчи ва жабрланувчи сифатида жалб этилган шахслар бўйича маълумотлар судлар ва суд қарорлари ижросини амалга оширувчи давлат органлари томонидан электрон статистик карточкаларни тўлдириш йўли билан шакллантирилади;

Ягона ахборот тизимида ахборот алмашув мавжуд маълумотларни рухсатсиз кўришга имкон бермайдиган, химояланган алоқа каналлари орқали амалга оширилади.

4. Бош прокуратура:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 10 январдан Ягона ахборот тизимининг синов версиясини, 2019 йил 1 мартдан тўлиқ версиясини ишга туширсин;

икки ой муддатда «Электрон жиноий-хуқуқий статистика» ягона ахборот тизимини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

Ягона ахборот тизимининг бошқа ахборот тизимлари билан доимий кузатуви ва интеграциялашуви, узлуксиз ишлаши ва ахборот хавфсизлигини таъминласин.

Белгилансинки, Ягона ахборот тизимининг синов версияси ишга туширилишига қадар ҳужжатларнинг қоғоз шаклидан, тизимнинг тўлиқ версияси ишга туширилишига қадар — бир вақтнинг ўзида ҳужжатларнинг қоғоз ва электрон шаклларида фойдаланилади.

5. «Электрон жиноий-хуқуқий статистика» ягона ахборот тизимини жорий этиш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Ягона ахборот тизимининг ишлаб чиқилиши, фаолият кўрсатиши ва модернизация қилиниши, шунингдек, ундан фойдаланиш учун зарур бўлган ускуналар, компьютерлар, IP-телефония техникалари, техник

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

воситалар, дастурий таъминот ва бошқа моддий-техника воситаларини харид қилиш Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан истисно тариқасида:

харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказмаган ҳолда энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан;

2021 йил 1 октябрга қадар ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган рўйхатларга мувофиқ божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинган ҳолда амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда терговга қадар текширув ва дастлабки терговни амалга ошириш ваколатига эга давлат органлари:

жиноят ишлари, терговга қадар текширув материаллари, ишларнинг суддаги муҳокамалари ва суд қарорларининг ижроси натижалари, шунингдек, айбланувчи ва жабрланувчи тариқасида жалб этилган иштирокчилар бўйича маълумотларнинг Ягона ахборот тизимига ўз вақтида киритилишини;

Бош прокуратура сўровига кўра, ахборот тизимлари ва манбаларининг жинойий-ҳуқуқий статистика маълумотларини тўлақонли шакллантириш ва Ягона ахборот тизимининг ишлаши учун зарур бўлган интеграциялашувни таъминласин.

7. Қўйидагилар:

а) Бош прокуратура тузилмасида — Жинойий-ҳуқуқий статистика бошқармаси (кейинги ўринларда — Бошқарма), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари тузилмаларида — ходимлари тегишли туман (шаҳар)ларга бириктирилган ҳолда жинойий-ҳуқуқий статистика бўлимлари ташкил этилсин ва қўйидагилар уларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жинойий-ҳуқуқий статистика маълумотларини йиғиш, умумлаштириш, юритиш, қайта ишлаш, тўплаш ва тақдим этиш;

жинойий-ҳуқуқий статистика соҳасида қонунийликка риоя этилиши ҳамда Ягона ахборот тизимига киритилаётган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги устидан назорат қилиш;

жиноятчилик ҳолатининг, шу жумладан, ҳудудлар кесимида ва жиноят турларига кўра статистик таҳлилини олиб бориш;

б) Бош прокуратура Академияси тузилмасида — Жиноятларнинг содир этилиши сабабларини тизимли таҳлил қилиш ва ўрганиш маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилсин ва қўйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жиноятлар содир этилишининг сабаб ва шароитларини ўрганиш ҳамда диагностика қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, шу жумладан, алоҳида турдаги жиноятларнинг олдини олиш ҳолатини таҳлил қилиш;

жиноятчилик аҳволи ўзгаришларини криминологик прогноз қилиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини методологик ва консультатив таъминлаш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ижро этилишини мониторинг қилиб бориш;

жиноят турлари, жиноятчи ва жабрланувчиларнинг шахси бўйича илмий-амалий изланишлар олиб бориш.

8. Бош прокуратура туман (шаҳар) прокурорлари раҳбарлигида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган, жиноятчилик содир этилиши сабабларини тизимли таҳлил қиладиган эксперт-таҳлил гуруҳларининг фаолиятини тажриба тариқасида Шайхонтохур туманида, 2019 йил 1 февралдан бошлаб — Тошкент шаҳрининг бошқа туманларида, 2019 йил 1 июлдан бошлаб — ўтказилган тажриба натижаларини инobatга олган ҳолда республиканинг барча ҳудудларида йўлга қўйсин.

9. 2018 йил 1 декабрдан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ахборот маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари тугатилсин ва қисқартириладиган 258 та штат бирлиги Бош прокуратуранинг, шу жумладан, янги тузиладиган, бўлинмаларини шакллантириш учун йўналтирилсин.

10. Бош прокуратура ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тугатиладиган ички ишлар органлари ахборот марказларининг бўшаётган штат бирликлари ҳисобидан вазирликнинг Тезкор-маълумотлар бошқармаси (кейинги ўринларда Тезкор-маълумотлар бошқармаси деб юритилади) ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларини тузиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин ва қўйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш, очиш ва тергов қилишда фойдаланиш учун тезкор маълумотлар ҳисобини ташкил қилиш ва юриш;

шахсларнинг ҳудудий ва давлатлараро қидирувга берилишини, ички ишлар органларининг архив-маълумот ва махсус жамғармалари юритилишини таъминлаш;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотларни ички ишлар органлари ва бошқа давлат органларининг марказлашган ахборот тизимларига интеграция қилиш асосида тўплаш, умумлаштириш, қайта ишлаш, йиғиш ва тақдим этиш;

автотранспорт воситалари, фуқаролик ва хизмат қуроллари, қидирувдаги шахслар ва ашёлар, шунингдек, бошқа маълумотларнинг автоматлаштирилган, ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга хизмат қилувчи маълумотлар базасини юритиш.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосарига Тезкор-маълумотлар бошқармасининг фаолиятини самарали ташкил этиш учун шахсий жавобгарлик юклансин.

11. Қўйидаги мажбуриятлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида сақлаб қолинсин:

Бошқарма билан биргаликда халқаро шартномаларда назарда тутилган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг Давлатлараро ахборот банкига ҳуқуқий статистик маълумотларни тақдим этиш;

2019 йилнинг 1 январига қадар ҳисобот даврларида тўпланган ҳуқуқий статистик маълумотлар архивини сақлаш.

Ички ишлар вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Ички

ишлар вазирлигининг Тезкор-маълумотлар бошқармаси тўғрисидаги Низомни ва унинг янгиланган тузилмасини тасдиқласин.

12. Белгилансинки:

Бош прокуратурада, шу жумладан, унинг янги тузилаётган бўлинмаларида шакллантирилаётган штат бирликларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Тезкор-маълумотлар бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан (белгиланган бошқа қўшимча ва устама ҳақлардан қатъи назар) лавозим маошининг 30 фоизи миқдорида ойлик устама тўланади.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда мазкур Фармонга мувофиқ Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги харажатлар сметаси ва штат жадвалига ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

14. Бош прокуратура:

бир ой муддатда янги тузилаётган бўлинмалар ва киритилаётган штат бирликларининг мебель, алоқа воситалари ва бошқа зарур моддий-техник ресурслар билан жиҳозланишини таъминласин;

икки ой муддатда прокуратура органларининг янги тузилаётган бўлинмаларини, аввало, тугатилаётган ички ишлар органлари ахборот марказлари ходимлари ҳисобидан, малакали кадрлар билан тўлдирсин;

2019 йилнинг биринчи ярим йиллик якунларига кўра мазкур Фармон ижроси самарадорлигини ўргансин ҳамда зарурат бўлганда, жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 31 октябрь,
ПФ–5566-сон

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**861** Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида
инвестициявий лойиҳани амалга ошириш чора-тад-
бирлари тўғрисида***[Кўчирма]**

«Хавфсиз шаҳар» аппарат-дастурий комплексини ривожлантириш ва уни босқичма-босқич амалга ошириш, йўл ҳаракати хавфсизлигини назорат қилиш ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишнинг самарали механизмларини жорий қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 29 августдаги ПҚ–3245-сон ҳамда «2018-2019 йилларда инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 19 июлдаги ПҚ–3874-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлигининг «ATLAS International» (Германия) компаниялар гуруҳи билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати қоидалари бузилишини фото-видео фиксация қилишнинг автоматлаштирилган тизими» инвестициявий лойиҳаси (кейинги ўринларда — лойиҳа)ни амалга ошириш бўйича таклифи маъқуллансин.

2. Лойиҳа доирасида қуйидаги шартлар белгилансин:

йўл ҳаракати қоидалари бузилишини фото-видео фиксация қилишнинг автоматлаштирилган тизими (кейинги ўринларда — автоматлаштирилган тизим)ни жорий этиш 2018-2019 йилларда Андижон, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳудудида амалга оширилади;

«ATLAS International» компаниялар гуруҳи (кейинги ўринларда — Инвестор) томонидан «Ўзстандарт» агентлиги билан ҳамкорликда фото-видео фиксация қилиш тизимининг техника ва жиҳозларини белгиланган стандарт ва талабларга мувофиқлигини ўлчаш бўйича лаборатория очилиши назарда тутилади;

лойиҳани амалга ошириш ва молиялаштириш давлат-хусусий шериклик шартлари асосида Инвестор томонидан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан лойиҳа ҳужжатларини босқичма-босқич ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги лойиҳани амалга ошириш бўйича ишчи орган ҳисобланади;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 ноябрда эълон қилинган.

инвестициявий харажатларни қайтариш учун лойиҳа буюртмачиси — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги масъул ҳисоблаиб, жорий қилинаётган автоматлаштирилган тизим унинг балансига берилади.

3. Белгилансинки, ўрнатилган автоматлаштирилган тизим ёрдамида аниқланган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарима суммаси қуйидагича йўналтирилади:

20 фоиз — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига;

20 фоиз — йўл инфратузилмасини ривожлантириш учун мақсадли йўналтирилган ҳолда йўл ҳаракати қоидалари бузилиши қайд этилган жойнинг маҳаллий бюджетига;

25 фоиз — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига;

10 фоиз — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга қўмаклашиш маркази ҳисобига;

25 фоиз — шартномада белгиланган инвестициявий харажатларнинг ҳажми тўлиқ қоплангунига қадар Инвестор ҳисобига.

Белгилансинки, инвестициявий харажатлар тўлиқ қопланганидан сўнг, мазкур қарорда назарда тутилган жарима суммасининг Инвесторга тегишли улуши Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига лойиҳани амалга ошириш доирасида, истисно тариқасида, қуйидагиларга рухсат этилсин:

автоматлаштирилган тизимни жорий этишни техник-иқтисодий ҳисобкитобларини ишлаб чиқмасдан ва тасдиқламасдан амалга ошириш;

Инвестор ёки у томонидан лойиҳани амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил қилинган корхона (кейинги ўринларда — Корхона) билан тендер ва танлов савдоларини ўтказмасдан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш;

Инвестор билан ҳамкорликда автоматлаштирилган тизимни жорий қилиш ишларини лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда олиб бориш.

5. «Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати қоидалари бузилишини фото-видео фиксация қилишнинг автоматлаштирилган тизими» инвестициявий лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар «Йўл харитаси» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Лойиҳани амалга ошириш доирасида қуйидагилар:

2022 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатга мувофиқ олиб кириладиган жиҳозлар, бутловчи қисмлар, дастурий таъминот, ёрдамчи техника ва қурилиш материаллари — божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари);

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан бажарилган иш-

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лар (хизматлар), шунингдек, маҳаллий етказиб берувчилар ва субижрочилар томонидан Инвесторга сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) кўшимча қиймат солиғидан;

Инвестор, унинг субижрочилари, хорижий молиявий институтлари ва компаниялари, шунингдек, уларнинг доимий муассасалари — Ўзбекистон Республикаси норезидентлари — юридик шахслар тўлаши лозим бўлган солиқларнинг барча турларидан (шу жумладан, тўлов манбасидан ундириладиган даромад солиғидан);

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари — жисмоний шахслар — лойиҳани амалга ошириш доирасида оладиган жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан;

олиб кириладиган товарлар, жиҳозлар, бутловчи қисмлар, дастурий таъминот ва бошқа мол-мулк, шунингдек, кўрсатиладиган хизматлар — лицензиялаштириш ва сертификатлаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органларида ўлчов воситаларини Давлат реестрига кириштиришда олинган йиғим, давлат божлари ва тўловларидан;

2025 йил 1 январга қадар Корхона фото-видео фиксация тизимини ўрнатиш, ишга тушириш, сервис хизматини кўрсатиш ва лаборатория текширувларини ўтказиш фаолияти билан боғлиқ барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли фондларига ажратмалардан озод этилсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда Инвестор зиммасига ушбу биноларни таъмирлаш ва туташ ҳудудларни ободонлаштириш бўйича масъулият юклатилган ҳолда Корхонага хизмат кўрсатиш маркази ҳамда фото-видео фиксация тизимининг қурилмалари ва техникаларини ўлчаш бўйича лаборатория фаолиятини ташкил этиш учун танлов ўтказмасдан, бепул асосда бино ва иншоотлар тақдим этилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш фонди ҳисобидан жорий этиладиган автоматлаштирилган тизим объектларини ўз вақтида қуриш ва ташқи телекоммуникация тармоқларига улаш ишларини молиялаштиришни таъминласин.

10. Андижон, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси лойиҳани амалга ошириш юзасидан қуйидагиларни таъминласин:

йўл белгилари, ахборот кўрсаткичлари ва йўл ҳаракатини назорат қилишнинг бошқа техник воситаларини ўз вақтида ўрнатиш;

автомобиль йўлларида меъёрий ҳужжатлар талабларига мос равишда, узоқ вақт давомида хизмат кўрсатувчи чидамли йўл ҳаракати чизиқларини чизиш;

лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ қурилиш ва монтаж ишларини лозим даражада амалга ошириш;

маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ташқи тармоқлардан автомат-

лаштирилган тизимнинг объектларигача электр узатиш линиялари ва телекоммуникация тармоқларини тортиш;

ташкилий, консултатив ва ахборот-таҳлилий кўмак кўрсатиш.

11. «Ўзбекэнерго» АЖ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда лойиҳани амалга ошириш доирасида бюджет маблағлари ҳисобидан автоматлаштирилган тизимнинг объектларини ташқи электр тармоқларига ўз вақтида улашни таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг буюртмалари асосида лойиҳани амалга оширишда иштирок этаётган хорижий мутахассисларга кўп марталик кириш визаларини консуллик ва бошқа бож тўловлари ундирилмаган ҳолда расмийлаштирилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги белгиланган тартибда Инвестор ёки Корхонанинг мурожаатларига асосан Ўзбекистон Республикасига юқори тажрибага эга хорижий мутахассисларни (бундай мутахассислар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасида бўлмаган ҳолларда) жалб қилишга рухсатнома берилиши (узайтирилиши), шунингдек, мазкур чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилиши (узайтирилиши)ни таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Инвестор билан биргаликда икки ой муддатда автоматлаштирилган тизимни жорий этиш бўйича техник вазифани белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда ушбу қарорга мувофиқ Ички ишлар вазирлигининг махсус ҳисоб рақамида ҳар ойлик маблағлар тўпланишини ва инвестициявий харажатларни қайтариш бўйича тўловлар биринчи навбатда амалга оширилишини таъминласин;

Инвестор ёки Корхона буюртмаларига асосан лойиҳани жорий этишда иштирок этаётган хорижий мутахассисларга давлат божлари ундирилмаган ҳолда кўп марталик визаларни белгиланган тартибда расмийлаштириш, бериш ва узайтириш, шунингдек, вақтинчалик прописка, яшаш жойида ҳисобга олиш ва уни узайтиришни таъминласин;

техник ва фойдаланиш талабларига мувофиқ автоматлаштирилган тизим маълумотларини қайта ишлаш марказларини ташкил этиш бўйича зарур ташкилий чора-тадбирларни кўрсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифларни киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ад-

министратсияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 30 октябрь,
ПҚ-3989-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

862 Ўзбекистон Республикаси божхона органлари кадрларини тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Халқаро-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш тенденциялари ва мамлакат инвестициявий жозибадорлигининг ошиб боришини ҳисобга олган ҳолда, божхона органлари кадрларини касбий тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 апрелдаги ПФ-5414-сон Фармониغا мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтини Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти (кейинги ўринларда — Институт) этиб қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки:

Институт божхона органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ихтисослаштирилган олий таълим ҳамда илмий-методик муассаса ҳисобланади;

Институт юридик шахс бўлиб, алоҳида мол-мулк, мустақил балансга эга, ўз мажбуриятлари бўйича тасарруфидаги пул маблағлари ва мол-мулки билан жавобгар ҳисобланади;

Институтнинг илмий — таълим фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан амалга оширилади;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 ноябрда эълон қилинган.

Институт Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ташкилий тузилмасига киради.

2. Институтни янада ривожлантиришнинг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб қўйидагилар белгилансин:

божхона органлари ходимларининг билим ва кўникмаларини, шунингдек, вазифа ва функцияларни самарали ва оқилона амалга ошириш учун зарур бўлган юксак касбий маҳоратини ривожлантириш ва такомиллаштиришни таъминловчи божхона органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ягона тизимини ташкил этиш;

курсантларда таҳлилий фикрлаш, янги билимларни мустақил равишда эгаллаш ва уларни амалиётда қўллаш кўникмасини ривожлантиришга йўналтирилган, асосан мутахассислик фанларидан ташкил топган замонавий таълим стандартларини ва сифат жиҳатидан янгича ўқитиш тизимини жорий этиш;

ўқитишнинг замонавий инновацион шакл ва усуллари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида ўқув жараёнини ташкил этиш, назарий тайёргарлик ва божхона органларининг амалий фаолияти билан боғлиқликни таъминловчи амалиёт ўташ тартибини такомиллаштириш;

замонавий талаблар ва стандартларга жавоб берадиган ўқув адабиётлари, ўқув-услубий материалларни ишлаб чиқиш ва чоп этиш, ўқув, илмий ва бошқа адабиётлар фондини, ўқитишнинг техник воситалари, шунингдек, глобал ахборот-хукуқий ва таълим ресурсларини мунтазам янгилаб бориш ҳамда улардан курсантлар ва ўқитувчиларнинг фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

профессор-ўқитувчилар таркибини юқори даражадаги касбий ва педагогик маҳоратга, шу жумладан, амалий иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар билан мустаҳкамлаш;

илмий ишланмалар натижаларини ўқув жараёнига ва божхона органлари фаолиятига жорий этишни назарда тутган ҳолда божхона фаолиятини хукуқий ва ахборот-техник таъминлаш, божхона назоратини такомиллаштиришга доир мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммолари бўйича комплекс илмий тадқиқотларни амалга ошириш;

етақчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш, шу жумладан, кадрлар тайёрлаш, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш соҳасида тажриба алмашиш;

курсантларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, жанговар ва жисмоний тайёргарлиги, хукуқий маданиятини ва хукуқий онгини ошириш бўйича самарали тизимни яратиш, уларда юксак маънавий, ахлоқий ва ватанпарварлик фазилатларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш.

3. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институтидаги таълим мутахассисликлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича Комплекс чора-тадбирлар дастури 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисига:

Институт тузилмасига белгиланган умумий штатлар сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Институтдаги таълим мутахассисликлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳукуқи берилсин.

Белгилансинки, Институтни Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланадиган бошлиқ бошқаради.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Институт божхона органлари учун кадрларни базавий ва амалий профессионал тайёрлаш, шунингдек, ўрнатилган тартибда стипендия тўлаш ва моддий таъминот белгилашни таъминлаган ҳолда таълим муддати тўрт йил бўлган бакалаврларни ва таълим муддати бир йил бўлган магистрларни тайёрлайди;

божхона органлари ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича амалий кўникмаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни назарда тутувчи божхона иши соҳасидаги халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади;

божхона органлари раҳбар кадрларини тайёрлаш учун ўқиш муддати 3 ойдан иборат бўлган «Божхона менежменти» олий курслари жорий этилади;

Институтда ўқиш даври божхона органларидаги хизмат стажига қўшиб ҳисобланади, биринчи курсда таълим муддатини яқунлаган курсантлар эса муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ҳисобланадилар ва уларга Институт жойлашган манзилдаги мудофаа ишлари бўйича ҳудудий бўлим томонидан ҳарбий гувоҳнома берилади;

Институт курсантлари билан ўқишни тугатгандан сўнг божхона органларида беш йил давомида мажбурий хизматни ўташ тўғрисида белгиланган тартибда шартнома тузилади;

тегишли соҳаларда илмий, педагогик ёки амалий тажрибага эга бўлган шахслар Институтнинг профессор-ўқитувчилар ва ўқув-ёрдамчи таркиби лавозимларига тайинланишлари мумкин;

Институтнинг офицерлар ва сержантлар таркибига, курсантларига Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ходимларининг тегишли тоифалари учун кўзда тутилган пул таъминоти, имтиёзлар, буюмлар ва озиқ-овқат таъминоти ҳамда бошқа зарур нормалар, шунингдек, хизматни ўташ тартиби татбиқ этилади.

5. Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

а) тегишли фанлар ва предметлар бўйича янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашнинг комплекс дастури ишлаб чиқилишини таъминласин;

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

б) битирувчиларга нисбатан малака талаблари, божхона органлари учун мутахассислар тайёрлаш ўқув режалари ва дастурларини қуйидагиларни назарда тутган ҳолда танқидий қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин:

илғор халқаро тажрибани, курсантларда тил тайёргарлигини, таҳлил қилиш қобилиятини, тизимли таҳлил ва божхона фаолиятининг тегишли соҳаларида бошқариш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган талабларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган таълим дастурлари асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;

махсус фанлар бўйича ўқув юкламаси, шунингдек, ихтисослаштирилган тренажер-имитацион ва дастурий комплексларни қўллаш ҳисобига амалий машғулотлар ҳажмини ошириш;

божхона органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълим жараёнини ташкил этиш ва амалга оширилишини тартибга солувчи ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

бир ойлик муддатда Институт Уставини тасдиқласин;

мутахассислик фанлари ўқитувчиларининг ротациясини (1 йилгача бўлган муддатга) амалга ошириб борсин;

ҳар йили кадрларга бўлган эҳтиёжни ўрганиш асосида Институтга қабул квоталарини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин;

Институт ўқитувчиларини республиканинг етакчи таълим муассасалари, тадқиқот марказлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларида, шунингдек, хорижий мамлакатларда стажировка ўташ дастурларини ҳар йили ишлаб чиқсин ва амалга оширсин;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда етакчи хорижий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари мутахассисларини Институтда маъруза ўқиш ва «махорат дарслари»ни, шу жумладан, масофавий тарзда, ўтказиш учун жалб этишга доимий равишда кўмаклашсин;

божхона ишининг долзарб муаммолари бўйича илмий-тадқиқот ишлари натижаларини чоп этиш учун Институт ҳузурида «Ўзбекистон божхона ахборотномаси» даврий илмий журналинини таъсис этсин.

7. Институтга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

профессор-ўқитувчилар таркибининг фаолият турлари бўйича вақт меъёrlарини белгилаш;

бакалаврият ва магистратура йўналишлари бўйича етакчи хорижий ихтисослаштирилган таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурларини жорий этиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

ўқув жараёнига жалб қилинадиган илмий-педагогик кадрлар ва тажрибали амалиётчи-мутахассисларга Давлат божхона қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, божхона органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси (кейинги ўринларда — Махсус жамғарма) маблағлари ҳисобидан меҳнатга соатбай ҳақ тўлашни назарда тутувчи тартибни тасдиқласин;

Институтни озиқ-овқат, ўқув анжомлари, мебель ва казарма жиҳозлари, озиқ-овқат хизматини мол-мулк билан таъминлашнинг зарур нормаларини қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Қўйидагилар Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Махсус жамғарма маблағлари;

хўжалик фаолияти бўйича ва шартнома асосида кўрсатилган хизматлардан тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайрия маблағлари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Институт таъминоти учун зарур бюджет маблағларининг белгиланган тартибда ажратилишини назарда тутсин.

Белгилансинки, Институт бинолари, иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, шунингдек, унинг ахборот-ресурс ва моддий-техника таъминоти Махсус жамғарма маблағлари, халқаро молия институтлари ва бошқа институтлар, хорижий ташкилотлар маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

10. Институт ходимларига (мутахассислар, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) Махсус жамғарма маблағлари ҳисобидан лавозим маошининг 70 фоизи миқдорида ойлик устама белгилансин.

11. Институт:

қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари мажбурий (бир нусхада) юбориладиган ташкилотлар рўйхатига;

босма ва китоб маҳсулотлари (ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий нашрлар)нинг бепул назорат нусхаларини (бир нусхада) оладиган ташкилотлар рўйхатига;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, шунингдек, бошқа вазирлик ва идораларнинг статистик ахборотлари мажбурий юбориладиган рўйхатга киритилсин.

12. Давлат божхона қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Рес-

публикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 2 ноябрь,
ПҚ-3995-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 2 ноябрдаги
ПҚ-3995-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг
Божхона институтидаги таълим мутахассисликлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Мутахассислик шифри	Мутахассислик номи	Бериладиган малака	Таълим шакли	Таълим муддати
Бакалавриат					
1.	5230500	Божхона иши	иқтисодчи	кундузги	4 йил
2.	5240100	Юриспруденция (иқтисодий хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш)	юрист	кундузги	4 йил
Магистратура					
1.	5A230501	Божхона иши (фаолият турлари бўйича)	иқтисодиёт магистри	кундузги	1 йил
2.	5A240109	Солиқ ва божхона ҳуқуқи	ҳуқуқ магистри	кундузги	1 йил

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

863 Ёқилғи-энергетика ресурсларининг нарх ва тарифларини босқичма-босқич ўзгартириш тўғрисида*

Ёқилғи-энергетика ресурсларини реализация қилишнинг бозор механизмларини янада жорий этишни таъминлаш, улардан оқилона фойдаланиш, энергия тежамкорлигини рағбатлантириш, молиявий интизомни мустаҳкамлаш ва ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарини балансли ривожлантириш мақсадида, шунингдек, ёқилғи-энергетика ресурсларининг жаҳон нархлари ўсишини ва товарлар (хизматлар) бозорларида монополияни босқичма-босқич пасайтириладиганлигини инобатга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2018-2019 йилларда нарх ва тарифларнинг босқичма-босқич ўзгариш графиклари:

табiiй ва суюлтирилган газ учун 1-иловага мувофиқ**;

электр энергияси учун 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. 2018 йилнинг 16 ноябридан бошлаб:

а) истеъмол солиғини ҳисобга олган ҳолда автобензин ва дизель ёқилғиси чакана нархлари:

Аи-80 автобензинга — 4 000 сўм/литр;

Аи-91 автобензинга — 4 500 сўм/литр;

дизель ёқилғисига — 4 800 сўм/литр;

ЭКО дизель ёқилғисига — 4 900 сўм/литр этиб;

б) қонунчиликда белгиланган айрим тоифадаги шахсларга автобензин харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун ҳар ойлик пул компенсацияси 66 700 (олтмиш олти минг етти юз) сўм этиб;

в) «Ўзтрансгаз» АЖнинг ва «Ўзнефтмахсулот» АЖ ҳудудий нефть базалари корхоналарининг табiiй газ ва суюлтирилган газ, нефть махсулотларининг реализациясидан ягона махсус ва жамғариб бориладиган мақсадли ҳисоб рақамларига тушадиган маблағлар (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига ажратмалар чегирилган ҳолда) «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг махсус мақсадли ҳисоб рақамларига ўтказиш тартиби белгилансин.

3. 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб эксперимент тариқасида Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида қуйидагилар жорий этилсин:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 2 ноябрда эълон қилинган.

** 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

а) аҳоли истеъмоли учун электр энергияси базавий нормаси ойига бир абонентга 300 кВт. соат;

б) аҳоли истеъмоли учун табиий газнинг базавий нормаси:

иситиш мавсуми даврида якка тартибда иситиладиган уйлар ва квартираларда яшайдиган бир абонентга ойига 1000 куб. м;

бошқа ҳолатларда бир абонентга ойига 250 куб. м;

в) аҳоли билан электр энергияси ва табиий газ учун ҳисоб-китобларни амалга оширганда:

базавий норма доирасида — белгиланган тариф бўйича;

базавий нормадан ортган қисми учун — белгиланган тарифга 1,2 барабар ошириш коэффициентини қўллаш.

«Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзбекэнерго» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги 2019 йилнинг 1 июлига қадар электр энергияси ва табиий газ истеъмоли базавий нормаларини амалда қўлланишини ўрганиш натижаларига кўра келгусида истеъмол базавий нормаларини қўллаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин.

4. «Ўзбекнефтгаз» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги:

«Ўзнефтгазказибчиқариш» АЖ ва «Ўзнефтмахсулот» АЖ билан биргаликда ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш мақсадида 2018 йилнинг 16 ноябридан бошлаб нефть ва газ соҳасида қазиб чиқарувчи ва қайта ишловчи корхоналар махсулотларининг тармоқ ичидаги нархлари табиий газ учун — ўртача 2,2 баробарга, нефть учун — ўртача 2 баробарга, газ конденсати учун — 1,6 баробарга ва суюлтирилган газ учун — 2,3 баробарга оширилишини таъминлансин;

«Ўзбекнефтгаз» АЖ барча истеъмолчиларни дизель ёқилғиси билан белгиланган нархларда узлуксиз таъминлаш бўйича 2019 йил 1 январгача таклиф киритсин;

«Ўздавнефтгазинспекция» ДИ ҳамда тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда аҳолига маиший эҳтиёж учун Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сон қарори билан тасдиқланган Газ ҳисоблагичлари бўлмаган тақдирда коммунал-маиший эҳтиёжлар учун аҳолига бериладиган табиий газнинг ойлик нормаларини қайта кўриб чиқиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Белгилансинки, «Ўзбекэнерго» АЖнинг ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг электр энергиясини етказиб бериш ва сотиш хизматлари учун белгиланадиган устамалар тасдиқланадиган тарифлар доирасида ҳудудий электр тармоқлари корхоналари томонидан мустақил равишда таъсисчилари билан белгиланган тартибда келишилган ҳолда ўрнатилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Ўзнефтмахсулот» АЖ, «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖ билан биргаликда жорий этилаётган янги нарх ва тариф прејскурантларини тасдиқласин ҳамда барча манфаатдор вазирликлар, идора ва ташкилотларга етказсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

билан биргаликда 2018 йил 16 ноябрдан бошлаб иссиқлик энергияси тарифларини аҳоли учун кўпи билан 10 фоизгача ошириш ва бошқа истеъмолчилар учун таннархдан келиб чиққан ҳолда ўрнатсин.

8. «Ўзнефтмахсулот» АЖ ва унинг ҳудудий корхоналари, шунингдек, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларида бензин сотувчи ва автомобилларга газ тўлдириш компрессор станцияларида табиий газ сотувчи хўжалик юритувчи субъектлар, «Ўзтрансгаз» АЖ ва унинг ҳудудий филиаллари «Ўздавнефтгазинспекция» ДИ ва Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2018 йил 16 ноябрдаги ҳолати бўйича автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларида бензиннинг ҳамда газ тўлдириш шохобча ва пунктларида суюлтирилган газнинг қолдиғини қайта ҳисобласинлар.

Белгилансинки, қўшимча баҳолаш суммаси тўлиқлиғича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадига киритилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.С. Султанов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 1 ноябрь,
897-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 1 ноябрдаги 897-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «2002 — 2004 йилларда уй-жой фондиди газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 28 мартдаги 99-сон қарорига 5-иловада:

а) «Газ приборларининг тури ва газни сарфлаш мақсади» устунини 4-позициясининг биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«беш ойлик иситиш мавсуми мобайнида ҳар ойда газ билан иситиш приборининг туридан қатъи назар уйлар, квартираларни яқка тартибда иситишда, шунингдек, марказий иситишдан узилган кўп қаватли уйлардаги квартиралар газдан фойдаланганда»;

б) изох 1-бандининг иккинчи хатбошидаги «бир ярим баравар микдорда» сўзлари «1,2 баравар микдорда» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ёқилғи-энергетика ресурслари билан ўз вақтида таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 14 ноябрдаги 913-сон қарори 1-бандининг «а» кичик банди ва 2-бандининг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 28 февралдаги 149-сон қарори 4-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 1 ноябрдаги 897-сон қарорига
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган баъзи қарорлари РЎЙҲАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Табиий газ ва электр энергияси етказиб бериш ва реализация қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 28 декабрдаги 1025-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига кундалик ҳаётда истеъмол қилиш учун сотиладиган суюлтирилган газнинг республика бўйича ягона чакана нархини босқичма-босқич жорий этиш тўғрисида» 2017 йил 29 декабрдаги 1033-сон қарорининг 1-банди ҳамда қарорга 1 ва 2-иловалар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

864 Давлат божи ставкаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-476-сон Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 июндаги

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 3 ноябрда эълон қилинган.

ПҚ–3785-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 йил, 11-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Белгилансинки, киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар 2018 йил 10 ноябрдан бошлаб кучга киради.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

нотариуслар ва нотариал идораларнинг бошқа ходимлари ўртасида мазкур қарорнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш мақсадида ҳудудий семинарларни ташкил этсин;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда аҳоли ўртасида мазкур қарорнинг мазмун ва моҳияти тўғрисида кенг тушунтириш ишларини амалга оширсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 2 ноябрь,
904-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 2 ноябрдаги 904-сон қарорига
ИЛОВА

**Давлат божи ставкаларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банднинг «е» кичик банди қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

«Изоҳ: оталикни тан олиш (белгилаш), боланинг у ёки бу онадан туғилганлиги, шунингдек туғилган вақти фактларини аниқлаш тўғрисидаги аризаларни кўрганлик учун давлат божи ундирилмайди».

2. 4-бандда:

а) «г» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) мол-мулкни ижарага бериш шартномасини тасдиқлаганлик ёки унга ўзгартиришлар киритганлик учун:

мулкдорнинг хотинига (эрига), унинг ва хотинининг (эрининг) ота-оналарига, болалари ва уларнинг эр-хотинларига, набираларига, бувиларига,

буваларига, ака-укалари ва опа-сингилларига тасдиқлаганлик учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;

жисмоний шахслар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдорида;

юридик шахслар учун ёки тарафлардан бири юридик шахс бўлганда — энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида;

Изоҳ: мол-мулкни ижарага бериш шартномасини бекор қилганлик учун давлат божни белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида ундирилади»;

б) «з» кичик банд қўйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

«Изоҳ: қарз шартномаларига ўзгартиришлар киритганлик ёки уни бекор қилганлик учун давлат божни белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида ундирилади»;

в) «и» ва «к» кичик бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«и» кафиллик шартномаларини тасдиқлаганлик, унга ўзгартиришлар киритганлик ёки бекор қилганлик учун:

жисмоний шахслар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида;

юридик шахслар учун ёки тарафлардан бири юридик шахс бўлганда — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;

к) корхонани бошқа шахсга ўтказиш шартномаларни тасдиқлаганлик учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдорида»;

г) «л» кичик банд чиқариб ташлансин;

д) «н» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«н» меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берганлик учун: мерос мол-мулки кўчмас мулк ёки автотранспорт воситаси бўлганда (ҳар бири учун) — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;

бошқа барча мол-мулклар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида»;

е) «я¹» кичик бандда:

учинчи хатбоши «юридик шахслар учун» сўзларидан кейин «ёки тарафлардан бири юридик шахс бўлганда» сўзлари билан тўлдирилсин;

изоҳ қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Изоҳ: давлат нотариал идораси биносидан ташқарида амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар учун давлат божни икки баравар миқдорда ундирилади, бундан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан нотариусларнинг сайёр қабуллари чоғида амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг ишончномаларини нотариал тартибда тасдиқлаш мустасно, ушбу ҳаракатларни бажариш учун жойга бориш билан боғлиқ амалда сарфланган харажатлар тўланади.

Никоҳ шартномасини ва алимент тўлаш ҳақида келишувни нотариал тасдиқлаш, уларга ўзгартиришлар киритиш ёки бекор қилиш ҳамда мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилишда давлат божни ундирилмайди».

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИНИНГ КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

865 Умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида бериладиган касблар бўйича малака талабларини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
29 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3081*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази **қарор қилади:**

1. Умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида бериладиган касблар бўйича малака талаблари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Халқ таълими вазири

Тошкент ш.,
2018 йил 10 сентябрь,
10-мх-сон

**Касб-хунар таълими
маркази директори**

Тошкент ш.,
2018 йил 10 сентябрь,
9/ққ-сон

Ш. ШЕРМАТОВ

М. ХОЛМУХАМЕДОВ

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 30 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги, Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-
хунар таълими марказининг 2018 йил
10 сентябрдаги 10-мх, 9/ққ-сон қарорига
ИЛОВА

**Умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф
ўқувчиларига ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида
бериладиган касблар бўйича
МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ**

Мазкур Малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида бериладиган касблар бўйича малака талабларини (бундан буён матнда Малака талаблари деб юритилади) белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1-§. Асосий тушунчалар

1. Малака талаблари ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида бериладиган касблар бўйича 10-11-синф ўқувчиларини касб-хунарга ўргатишнинг зарурий билимлар мазмунига ва амалий кўникмаларига қўйиладиган талаблар, ўқув юктамалари ҳажми ва бажарилишининг назоратини белгилаб беради.

Малака талаблари касбга ўргатиш сифати ва даражасини баҳолашда асосий мезон ҳисобланади.

Малака талаблари ўзининг идоравий бўйсунуши ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, барча ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари томонидан татбиқ этилиши мажбурийдир.

Касбга ўргатиш таълим дастурининг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, мазкур Малака талабларини тўлиқ бажарган ва якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган умумий ўрта таълим мактабининг ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари битирувчиларига (бундан буён матнда битирувчи деб юритилади) меҳнат қилиш ҳуқуқини берувчи касб малакаси бўйича давлат намунасидаги диплом берилади.

2. Мазкур Малака талабларида қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:
касбга ўргатиш дастури — касб-хунар таълими тайёргарлигининг асосий мазмунини аниқловчи ҳужжатлар тўплами;

компетенция — тегишли соҳада касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатлар мажмуи;

касбий фаолият объекти — предметлар, воқеликлар, жараёнлар ва фаолият доирасида ҳаракатга йўналтирилган тизимлар;

касбий фаолият тури — касбий фаолият объектига таъсир қилишнинг усуллари, услублари ва тавсифи;

касбий компетенция — битирувчининг билим, кўникма ва амалий тажриба асосида касбий фаолиятга тегишли вазифаларни мустақил бажариш кўникмаларига эга бўлиш ҳамда масалаларни ечишда муваффақиятли фаолият юритиш қобилияти.

2-§. Касбга ўргатиш дастурининг компонентлари ва ўқув режаси

3. Касбга ўргатиш дастурининг компонентларига муайян касб бўйича битирувчиларга касбий фанлар ўргатишнинг муддати, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари таркиби, ҳажми ва мазмунини белгиловчи ҳужжатлар кирази.

4. Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини 10 ва 11-синфларда касбга ўргатиш дастури 2 ўқув йилига мўлжалланган бўлиб, ҳар ҳафтада 1 кун 6 соатдан, жами 408 соат ҳажмида амалга оширилади.

5. Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида ўргатиладиган касбларнинг ўқув режаси мазкур Малака талабларининг иловасига мувофиқ таркибий қисмларга бўлинади.

Ўқув режасига Халқ таълими вазирлиги ва Касб-ҳунар таълими маркази билан келишилган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

6. Таълим муассасасига зарур ҳолларда ўқув юкламасининг ҳафталик 6 соат ҳажмини сақлаган ҳолда, таълим муассасаси педагогик кенгаши қарорига асосан ўқув блоклари таркибидаги мавзуларга ажратилган соатлар ҳажмини 15% гача ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилади.

7. 10 ва 11-синф ўқувчилари учун ўқув йилларининг 4-чорагида, уларнинг меҳнат кўникмаларини шакллантириш ва касбга йўналтириш мақсадида таълим муассасаси директори томонидан тасдиқланган жадвал асосида таълим муассасасида ёки идора ва корхоналарда 6 кун давомида 6 соатдан амалий меҳнат машғулоти ўтказилади.

8. Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида касбга ўргатиш жараёни якунида битирувчи якуний давлат аттестациясига жалб қилинади.

2-боб. Касблар тавсифи ва касбга ўргатиш дастурини ўзлаштириш даражасига қўйиладиган талаблар

1-§. Асаларичи

9. Асаларичи касбининг касбий фаолият объектларига асалари оилала-

ри, она асалари, асалари уялари, асалари павильонлари, асалари асбоб-ускуналари, техник ва меъёрий хужжатлар киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига асалари оиласига тез-тез қаровлар ўтказиш, асалари уя ҳароратини бошқариш, кўчма асаларичиликни ташкил этиш, эртанги она асалари ва асалари пакетларини етиштириш, касалликларга ва юқумли касалликларга, зараркунандаларга қарши курашда ҳар хил дори-дармонлардан, автопуркагичлардан фойдаланиш киради.

10. Асаларичи касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар киради:

асалари оиласига тез-тез қаровлар ўтказишни, асалари уя ҳароратини бошқаришни билиш;

асалари уясини кенгайтириш, кўч ажралиши олдини олиш чораларини кўришни билиш;

асаларичилик озуқа базасини яратишда серасал экинлар турларини кўпайтиришни билиш;

қишлоқ хўжалик экинлари гулини чанглантириш мақсадида кўчма асаларичиликни ташкил этишни билиш;

эртанги она асалари ва асалари пакетларини етиштиришни билиш;

касалликларга қарши курашда ҳар хил дори-дармонлардан ва автопуркагич каби техника воситалардан фойдаланишни билиш.

2-§. Аёллар сартароши

11. Аёллар сартароши касбининг касбий фаолият объектларига соч қиркиш асбоб-ускуналари, соч ювиш воситалари, соч қиркиш усуллари, сартарошхона ва гўзаллик салонлари киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига соч турмаклашнинг асосий элементлари, сочни турмаклаш усуллари, совуқ воситалар, соч турмаклаш, соч бўяш, фаолият соҳасига тегишли кўргазма ва тадбирларда ижод намуналари билан қатнашиш киради.

12. Аёллар сартароши касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар киради:

жихозлар, асбоб-ускуналарининг турларини билиш;

иш жойини ташкил қилиш қоидаларини, техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси талабларини, санитария ва гигиена қоида ҳамда меъёрларини, электр ва ёнғин хавфсизлиги талабларини билиш;

соч кесиш, соч бўяш усуллари ва технологиясини билиш;

иш қуроллари, асбоб-ускуналардан тўғри фойдаланишни билиш;

турли услубларда соч турмаклашни билиш;

аниқланган камчиликларни қайд қилиш ва уларни бартараф этишни билиш.

3-§. Бетон қуювчи

13. Бетон қуювчи касбининг касбий фаолият объектларига бетон ишла-

тадиган барча қурилиш объектлари, бетон қоришма тайёрлайдиган шохобчалар, йиғма темирбетон конструкциялар ишлаб чиқарадиган заводлар, қўйма темирбетон конструкциялари тайёрланадиган қурилиш майдонлари, бетон қоришма материаллари, бетон қўйишда ишлатиладиган асбоб-ускуна ва жиҳозлар киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига бино ва иншоотларнинг конструктив элементларини тайёрлашда қолиплар ўрнатиш, бино ва иншоотларнинг конструктив элементларини тайёрлашда арматура тўрларини ўрнатиш, бино ва иншоотларнинг конструктив элементларини тайёрлашда бетон қўйиш, йиғма темирбетон конструкциялар ишлаб чиқарадиган заводларда арматура тўрларини ўрнатиш ва бетон қўйиш, қурилиш объектларида бетон ишларини назорат қилиш киради.

14. Бетон қуювчи касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қўйидагилар киради:

бетон тайёрлашда ишлатиладиган хом ашёларнинг хоссаларини билиш;

бетон тайёрлашда ишлатиладиган қурилмаларни ишлатишни билиш;

бетон ва арматуранинг турларини билиш;

темирбетон конструкцияларининг турларини билиш;

бетон қоришмасининг қотиш жараёни ва унинг вақт меъёрларини билиш;

қурилиш объектларида қўйма конструкцияларни тайёрлашда қолипни ўрнатишни билиш;

арматура тўрларини ўрнатишни билиш;

бетоннинг сифатини назорат қилиш, маҳсулоти сифатини баҳолаш ва аниқланган камчиликларини қайд қилиш ҳамда уларни бартараф этишни билиш.

4-§. Боғбон

15. Боғбон касбининг касбий фаолият объектларига мевали, манзарали дарахтлар, гул турлари, боғдорчиликда қўлланиладиган асбоб-ускуналар киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига дарахтларни парваришлаш, дарахтларни пайвандлаш ва шакл бериш, кўчат етиштириш, фаолият соҳасига тегишли кўрғазма ва тадбирларда маҳсулотлари билан қатнашиш киради.

16. Боғбон касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қўйидагилар киради:

боғдорчиликда атроф-муҳит шароитини ўрганишни билиш;

боғдорчиликда қўлланиладиган асбоб-ускуналарни билиш;

манзарали буталар, резавор мевалар, мевали дарахтлар ҳамда ток ўсимликлари ҳақида маълумотларни билиш;

ўсимлик кўпайтириш технологиясини билиш;

илдизлашув жараёнини кучайтириш усулларини билиш;

пайванд қилиш турлари ва шакл бериш усулларини билиш;

манзарали буталар, резавор мевалар, мевали ва манзарали дарахтлар ҳамда ток ўсимлиги ва уни парвариш этиш усулларини билиш;
ўсимлик касалликлари ва зараркундаларга қарши курашни билиш;
ҳосилни териш ва сақлаш усулларини билиш;
ерга ишлов беришни билиш;
ўсимликларни уруғидан ва қаламчасидан кўпайтиришни билиш;
ҳосилни йиғиб олишни ва уни сақлаш шароитларини билиш.

5-§. Бухгалтер

17. Бухгалтер касбининг касбий фаолият объектларига нақд пулли ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, касса операцияларидаги ҳисоб-китоблар, назорат ҳужжатлари ва уларнинг реквизитлари, касса журнали киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига хўжалик маблағлари ва мажбуриятларини ҳисобга олиш, мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китоблар, бюджет билан ҳисоб-китоблар, ходимлар билан ҳисоб-китоблари киради.

18. Бухгалтер касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қўйидагилар киради:

ҳисоб турларини, ҳисоблаш тизимини, иккиёқлама ёзувни, бухгалтерия проводкаларини, баҳолашни, калькуляцияни, инвентаризацияни, ҳисобот шакллари ва таркибини билиш;

хўжалик муомалаларини ҳисоблаш тизимида иккиёқлама ёзувда акс эттиришни билиш;

хўжалик муомалаларини ҳужжатлаштириш ва расмийлаштиришни билиш;

маблағларни баҳолашни, калькуляция қилишни, инвентаризация қилишни билиш;

ҳисобот шаклларини тўлдиришни мустақил бажаришни билиш.

6-§. Бўёқчи

19. Бўёқчи касбининг касбий фаолият объектларига бўёқчилик жиҳозлари, бўёқ материаллари, техник ва меъёрий ҳужжатлар киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига юзаларни, қоришмаларни тайёрлаш, жиҳоз ва асбоб-ускуналардан фойдаланган холда суваш ва пардозлаш ишларини бажариш киради.

20. Бўёқчи касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган умумий ўрта таълим мактаби битирувчисининг эгаллаган касби бўйича касбий компетенциясига қўйиладиган талаблар қўйидагилардан иборат:

жиҳозлар, асбоб-ускуналарнинг турларини билиш;

иш жойини ташкил қилиш қоидаларини билиш;

техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси талабларини, санитария ва гигиена қоида ҳамда меъёрларини билиш;

электр ва ёнғин хавфсизлиги талабларини билиш;

бўёк ишларининг турларини, бўёк ишларини бажариш технологиясини билиш;

бўёк ишларининг сифатини назорат қилиш усулларини билиш;

технологик жараёни тўғри ташкил қилишни билиш;

иш қуроллари, асбоб-ускуналар, мосламалардан тўғри фойдаланишни билиш;

материаллар сарфини ҳисобга олишни билиш;

ишлар сифатини баҳолашни, аниқланган камчиликларини қайд қилиш ва уларни бартараф этишни билиш.

7-§. Видеомонтаж техниги

21. Видеомонтаж техниги касбининг касбий фаолият объектларига турли типдаги видеомонтаж асбоб-ускуналари, монтаж қилишда қўлланиладиган мосламалар, ўлчов-назорат асбоблари, монтаж аппарат ва махсус хоналари, техник, технологик ва меъёрий ҳужжатлар киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига тасвирларга ва турли кадрларга ишлов беришда видеомонтаж техниги кадрларни қирқиш, интерфейсларини созлаш ва ростлаш, тасвирларга ишлов бериш киради.

22. Видеомонтаж техниги касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар киради:

тасвирларга ишлов бериш аппаратларининг тузилишини билиш;

универсал ва махсус мосламаларни қўллаш қоидаларини, ўлчов-назорат асбоблари тузилиши, кесиш электр хавфсизлик талабларини билиш;

кадрларга ишлов бериш компьютер дастурларидан фойдаланишда меҳнат муҳофазаси, техника ва ахборот хавфсизлиги қоидаларини билиш;

иш ўринларини ташкил этиш қоидаларини билиш;

мосламалар ёрдамида кадрларга ишлов беришни билиш.

8-§. Ганч ўймакорлиги уста-рассоми

23. Ганч ўймакорлиги уста-рассоми касбининг фаолият объектларига ганч ўймакорлигида ишлатиладиган композициялар, ганч ўймакорлигидаги пардоз турлари, ганчларнинг нақшларини ўйиш ишлари, қуйма ганчкорлик ишлари, ганчкорликда ишлатиладиган қолиплар киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига давлат ва нодавлат тасарруфидаги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, таълим тизимларида ганч ўймакор уста рассом ёки ганч ўймакорлиги тўгараги раҳбари сифатида фаолият кўрсатиш, ганч ўймакорлиги композицияларини яратиш, ганч ўймакорлиги ишларини ташкил этиш, эркин бозор тизимида ганч ўймакорлиги устахоналарини ташкил этиш ва уларни бошқариш киради.

24. Ганч ўймакорлиги уста-рассоми касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар киради:

ганч ўймакорлигида ишлатиладиган композиция турларини, композиция тузиш қоидаларини, ганч ўймакорлигида ишлатиладиган пардоз турларини,

уларнинг тавсифини, афзалликлари ва камчиликларини, ганч ўймакорлигида ишлатиладиган асбоб-ускуналар турларини ва уларни ишлатиш қоидаларини билиш;

ганч ўймакорлигида заминлар турларини, уларнинг тавсифини, афзалликлари ва камчиликларини билиш;

ганч ўймакорлиги ишларини ташкил этиш, меҳнат муҳофазасини билиш;

ганч ўймакорлик тўғарагини ташкил этишни билиш;

ганч ўймакорлик тўғарагида ўқувчилар билан ишлашни билиш;

бажарилган иш натижаси бўйича ҳисоботлар тайёрлашни билиш.

9-§. Гилам тўқувчи

25. Гилам тўқувчи касбининг касбий фаолият объектларига гилам тўқишда ишлатиладиган жиҳозлар ва асбоб-ускуналари, матолар, иплар, нақшлар тўплами, техник ва меъёрий ҳужжатлар киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига гилам тўқиш учун лойиҳа яратиш, гилам тўқишда ишлатиладиган жиҳозлар, асбоб-ускуналарни танлаш, нақш тайёрлаш, дастгоҳни ўлчаш, махсус рангли ипларни танлаш, дастгоҳга танда ип тортиш, маҳкамлаш, ипини ўтказиб ва нақш асосида гилам тўқиш, нақш асосида гилам тўқиш жараёнида ҳар бир қаторда арқоқ ипини тортиш ва махсус ургучда зичлаш, гилам тўқишнинг бошланиш ва тугалланиш тугунини ҳосил қилиш, фаолият соҳасига тегишли кўргазма ва тадбирларда маҳсулотлари билан қатнашиш киради.

26. Гилам тўқувчи касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қўйидагилар киради:

амалий фаолиятида мураккаб бўлмаган тўқиш учун лойиҳа яратишни билиш;

гилам тўқишда ишлатиладиган жиҳозлар ва асбоб-ускуналарни танлашни билиш;

нақш тайёрлаш, дастгоҳни ўлчаш, махсус рангли ипларни танлашни билиш;

ранглар уйғунлигини ва уларни тўғри танлашни билиш;

дастгоҳга танда ип тортишни билиш;

маҳкамлаш ипини ўтказишни билиш;

тўқиш анжомлари турлари ва вазифаларини, тўқиш усулларини билиш;

нақш асосида гилам тўқиш жараёнида ҳар бир қаторда арқон ипини тортиш ва махсус ургучда зичлашни билиш;

гилам бошлаш ва тугалланиш тугунини ҳосил қилишни билиш;

буюртмага мувофиқ талаб даражасида гилам тўқишни билиш;

тўқувчилик маҳсулоти сифатини баҳолашни, аниқланган камчиликларни қайд қилиш ва уларни бартараф этишни билиш.

10-§. Гулқоғоз ёпиштирувчи

27. Гулқоғоз ёпиштирувчи касбининг касбий фаолият объектларига

қурилиш материаллари, кесиш учун махсус пичоқлар, ўлчов ишлари учун метр, метростат, сувли сатҳ ўлчагичлари, ўлчаш асбоблари, техник ва меъёрий ҳужжатлар киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига асос ва девор юзаларини гулқоғоз ёпиштиришга тайёрлаш, юзаларни режалаш, елим тайёрлаш, гулқоғозларни қўл асбоблари билан қирқиш, гулқоғозни гулини гулига мослаб режалаш ва кесиш, гулқоғозни юзаларга ёпиштириш ва унинг устидан ишлов бериш киради.

28. Гулқоғоз ёпиштирувчи касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қўйидагилар киради:

ўлчов асбобларни танлашни, асос ва девор юзаларининг тузилишини, уларни гулқоғоз ёпиштириш учун тайёрлашни, грунтовка билан ишлов беришни, гулқоғозларни танлаш ва режалашни билиш;

гулқоғозларни қўл асбоблари билан кесишни, елимларни тайёрлашни, гулқоғозларга елимлар суртишни, юзаларга ёпиштириш ва ёпиштирилган гулқоғозларга ишлов беришни билиш.

11-§. Гулчи

29. Гулчи касбининг касбий фаолият объектларига гулчилик иш қуроллари ва жиҳозлар, гулли ўсимлик намуналари, уруғлари, кўчатлари, ўғит турлари, гербарийлар киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига гулли манзарали ўсимлик турларини ажратиш, уларнинг морфо-биологик хусусиятларини фарқлаш, экиш учун тупроққа ишлов бериш, экиш муддатларини билиши, озиқлантириш, кўчатларини етиштириш, касалликлари ва зараркунандаларига қарши курашиш, ўғит турларидан фойдаланиш, ўғитлаш, ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар ҳамда гулли ўсимликларни муҳофаза қилиш киради.

30. Гулчи касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қўйидагилар киради:

гулли манзарали ўсимликларнинг биологик хусусиятларини, уларнинг турларини билиш;

гулчиликка доир вазифаларни самарали амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни глобал тармоқдан қидиришни билиш;

гулли ўсимликларни парваришлаш ва экишда қўлланиладиган асбоб-ускуна ва жиҳозлар турларини ва улардан фойдаланиш қоидаларини билиш;

гулли манзарали ўсимликларда учрайдиган касалликлар ва уларга қарши кураш чораларини билиш;

ўғит турларини, Ўзбекистоннинг тупроқ ва иқлим шароитини билиш;

гулли ва манзарали ўсимликлар билан атроф, хона, кириш жойлари ва йўлакларни кўкаламзорлаштиришни билиш;

гулли ўсимлик турларини ажратишни билиш;

гулларнинг морфо-биологик хусусиятларига кўра уларни озиқлантириш ва парваришлашни билиш;

гулларда учрайдиган касалликлар ва зараркунандаларга қарши курашишни билиш;

очиқ майдонларда ўстириладиган ўсимлик турларини уларга таъсир этувчи омилларга кўра ёруғсевар, соясевар гулли, манзарали ўсимликларни экишни ва уларни парваришлашни билиш;

ўғитлашни, гулли ва манзарали ўсимликларни кўпайтиришни билиш; кўчат етиштиришни билиш.

12-§. Доривор ўсимликлар йиғувчиси

31. Доривор ўсимликлар йиғувчиси касбининг касбий фаолият объектларига доривор ўсимликларни теришда фойдаланиладиган жиҳозлар, доривор ўсимликлар, гербарийлар, қуритиш учун стеллажлар, қадоқлаш материаллари киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига доривор ўсимликларнинг турларини ажратиши, доривор ўсимликларни йиғишда қўлланиладиган жиҳозлардан фойдаланиш, доривор ўсимликларни териш, йиғиш, қуритиш ва сақлаш, доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш киради.

32. Доривор ўсимликлар йиғувчиси касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қўйидагилар киради:

доривор ўсимлик турларини, уларни йиғиш муддатларини билиш;

заҳарли ўсимликлар билан ишлашда эҳтиёткорлик қоидаларини, хавфсизлик чораларини билиш;

доривор ўсимликларни аниқлаш йўлларини ва аниқлагичдан фойдаланиш қоидаларини билиш;

доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш йўлларини билиш;

амалий фаолиятида доривор ўсимликларни йиғишда қўлланиладиган жиҳозлардан фойдаланишни билиш;

доривор ўсимликларни шифобахш хусусиятларига кўра шифобахш қисмларини йиғишни, қуритишни, қадоқлашни ва сақлашни билиш.

13-§. Дурадгор

33. Дурадгор касбининг касбий фаолият объектларига ёғоч маҳсулотлари, дурадгорлик жиҳозлари, мосламалар, турли материаллардан тайёрланган конструкция ва деталлар, ўлчаш асбоблари, техник ва меъёрий ҳужжатлар киради.

Битирувчининг касбий фаолият турлари ёғоч материалларни режалаш, кесиш ва эгиш, дастгоҳларда ва қўл асбобларида уларга ишлов бериш, дурадгорлик материалларини режалаш, дастгоҳ ва қўл асбобларида кесиш ва қирқиш, пармалаш, арралаш, дурадгорлик деталларини бириктириш, дастгоҳларда фрезалаш, силлиқлаш, дурадгорлик буюмларини ясаш киради.

34. Дурадгор касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қўйидагилар киради:

ёғоч материалларни режалаш, кесиш ва эгиш, дастгоҳларда ва қўл асбобларида уларга ишлов беришни билиш;

дурадгорлик асбоб-ускуна, мослама ва дастгоҳларидан фойдаланишни билиш;

ёнғин, электр ва техника хавфсизлиги қоидаларини, санитария ва гигиена қоидаларини билиш;

дурадгорлик анжомлари турлари ва вазифаларини билиш;

нақш тушириш, нақшни қирқиш ва жойлаштириш усулларини, ёғочга ишлов беришни билиш;

маҳсулоти сифатини баҳолашни, аниқланган камчиликларини қайд қилиш ва уларни бартараф этишни билиш.

14-§. Дўппидўз

35. Дўппидўз касбининг касбий фаолият объектларига ипак ип билан тикилган болалар дўппилари, эркаклар дўппилари, аёллар дўппилари, рангли иплар билан тикилган декоратив композициялар, зардўзий ва попоп дўппилар қиради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига дўппи тикиш учун нақш композицияларини лойиҳалаш, дўппи тикиш учун нақш ва мавзули композициялар тузиш, нақшларни қирқиш ва матога тикиш, зардўзи дўппиларни гулдўзи ва попоп усулларида тикиш, фаолият соҳасига тегишли кўргазма ва тадбирларда маҳсулотлари билан қатнашиш қиради.

36. Дўппидўз касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар қиради:

дўппидўзлик маҳсулотларига мос матолар турларини, мулина иплар, нақш гуллари турларини билиш;

композиция асосларини билиш;

нақшни картон қоғозга тушириш, қирқиш ва матога тикиш усулларини билиш;

ранглар уйғунлигини ва уларни тўғри танлашни билиш;

тикиш анжомлари турлари ва вазифаларини билиш;

дўппидўзлик маҳсулоти турига мос композициясини яратишни билиш;

дўппидўзлик маҳсулотининг лойиҳасини чизишни билиш;

матога композицияни тўғри жойлаштиришни билиш;

зардўзлик гуллари нусхасини тайёрлашни, уларни қирқиш ва жойлаштиришни билиш;

зардўзлик гуллари турларини, улардан дўппидўзлик маҳсулотига мосини танлашни ва қўллашни, тикиш жараёнида усулларни тўғри танлашни билиш;

бююртмага мувофиқ талаб даражасида тикишни билиш;

дўппидўзлик маҳсулоти сифатини баҳолашни, аниқланган камчиликларни қайд қилиш ва уларни бартараф этишни билиш.

15-§. Ёғоч ўймакори

37. Ёғоч ўймакори касбининг касбий фаолият объектларига ёғоч ўймакорлик асбоблари, нақшлар тўплами, ёғоч ўймакорлик билан қилинган кичик ўлчамдаги сувенирлар, ёғоч ўймакорлик билан қилинган кичик ўлчамдаги уй-рўзғор буюмлари, ёғоч ўймакорлик билан қилинган декоратив композициялар, ёғоч ўймакорлик ишланма ва маҳсулотлари киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига ёғоч ўймакорлик билан қилинган уй-рўзғор буюмлари учун нақш композицияларини лойиҳалаш, ёғоч ўймакорлик билан қилинган уй-рўзғор буюмлари учун нақш ва мавзули композициялар тузиш, ёғоч ўймакорлик нақшларни қилиш, уй-рўзғор буюмларини ёғоч ўймакорлик усулида безаш, фаолият соҳасига тегишли кўرғазма ва тадбирларда маҳсулотлари билан қатнашиш киради.

38. Ёғоч ўймакори касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар киради:

ёғоч ўймакорлик турларини, ёғоч ўймакорлик нақш турларини билиш; композиция асосларини, нақшни картон қоғозга тушириш усулларини билиш;

ранглар уйғунлигини ва уларни тўғри танлашни, ёғоч ўймакорлик анжомлари турлари ва вазифаларини, ёғоч ўймакорлик усулларини билиш;

ёғоч ўймакорлик маҳсулотининг вазифасига мос нақш турини танлашни билиш;

ёғоч ўймакорлик маҳсулоти турига мос композиция яратишни билиш;

ёғоч ўймакорлик маҳсулотининг лойиҳасини чизишни билиш;

ёғоч ўймакорлик композициясини тўғри жойлаштиришни билиш;

ёғоч ўймакорлик гуллари тархини тайёрлашни, уларни қирқиш ва жойлаштиришни билиш;

буюртмага мувофиқ талаб даражасида маҳсулот тайёрлашни билиш;

ёғоч ўймакорлик маҳсулоти сифатини баҳолашни, камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этишни билиш.

16-§. Заргар

39. Заргар касбининг касбий фаолият объектларига заргарлик асбоб-ускуналари, маиший заргарлик буюмлари, тарихий заргарлик буюмлари, миллий заргарлик буюмлари, замонавий заргарлик буюмлари, таъмирлашга муҳтож заргарлик буюмлари, уй интерьерида заргарлик буюмлари (сувенирлар) киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига қадимий тарихий заргарлик буюмларини таъмирлаш; интерьерда бадий безаш ва уларни таъмирлаш, заргарлик буюмларига мос композицияли лойиҳалар чизиш, миллий ва замонавий заргарлик буюмларини яшаш ва таъмирлаш, фаолият соҳасига тегишли кўрғазма ва тадбирларда маҳсулотлари билан қатнашиш киради.

40. Заргар касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар киради:

заргарлик ишларига оид нақшларни чизишни, нақшлардан композиция қилишни билиш;

рангли металллар ва заргарлик тошлари ҳақидаги тушунчаларни билиш;

заргарликка оид иш қуроллари билан ишлашни билиш;

заргарлик буюмларини таъмирлашни билиш;

турли хил маиший буюмларга ишлов беришни билиш;

заргарлик буюмларига ишлов беришда металллардан тўғри фойдаланишни билиш;

ишлаб чиқариладиган заргарлик маҳсулотларини сифат даражасига ажратишни билиш.

17-§. Зардўз

41. Зардўз касбининг касбий фаолият объектларига зардўзлик асбоблари, корчўп, матолар, иплар, нақшлар тўплами, зар билан тикилган кичик ўлчамдаги сувенирлар, уй-рўзғор буюмлари, декоратив композициялар, зардўзий либослар қиради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига уй-рўзғор буюмлари учун нақш композицияларини лойиҳалаш, уй-рўзғор буюмлари учун нақш ва мавзули композициялар тузиш, нақшларни қирқиш ва матога қавиш, уй-рўзғор буюмлари ва кийим-кечакларни гулдўзи усулида тикиш, фаолият соҳасига тегишли кўргазма ва тадбирларда маҳсулотлари билан қатнашиш.

42. Зардўз касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар қиради:

зардўзлик маҳсулотларига мос матолар, зар иплар, нақш гуллари турларини билиш;

нақш композицияси асосларини билиш;

нақшни картон қоғозга тушириш, қирқиш ва матога қавиш усулларини билиш;

ранглар уйғунлигини ва уларни тўғри танлашни билиш;

тикиш анжомлари турлари ва вазифаларини билиш;

тикиш усулларини билиш;

зардўзлик маҳсулоти турига мос композициясини яратишни, уни матога тўғри жойлаштиришни билиш;

зардўзлик маҳсулотининг лойиҳасини чизишни билиш;

зардўзлик гуллари тарҳини тайёрлашни, уларни қирқиш ва жойлаштиришни билиш;

бююртмага мувофиқ талаб даражасида зардўзлик маҳсулотларини тикишни билиш;

зардўзлик маҳсулоти сифатини баҳолашни, аниқланган камчиликларини қайд қилиш ва уларни бартараф этишни билиш.

18-§. Иссиқхона ишчиси

43. Иссиқхона ишчиси касбининг касбий фаолият объектларига иссиқ-

хона, мевали ва манзарали дарахт турлари, сабзавотлар, гуллар, боғдорчиликда қўлланиладиган асбоб-ускуналар, махсус кийимлар, техник ва меъёрий хужжатлар киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига ерга ишлов бериш, кўчатларни уруғидан ва қаламчасидан кўпайтириш, дарахтларни пайвандлаш ва шакл бериш, кўчат етиштириш, ўсимликларни парваришлаш, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш, иссиқхона ҳароратини назорат қилиш, ҳосилни териш ва сақлаш киради.

44. Иссиқхона ишчиси касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар киради:

боғдорчиликда иссиқхона шароитини билиш;

иссиқхона боғдорчилигида қўлланиладиган асбоб-ускуналарни билиш ва фойдалана олишни билиш;

ёнғин, электр ва техника хавфсизлиги қоидаларини билиш;

цитрус, резавор мевалар ҳамда ток дарахти ҳақида маълумотларни билиш;

ўсимликларни кўпайтириш технологиясини, илдизлашув жараёнини кучайтириш усулларини билиш;

пайванд қилиш, шакл бериш усуллари ва турларини билиш;

ўсимлик касалликлари ва зараркунандалари ва уларга қарши курашни билиш;

ҳосилни териш ва сақлаш усулларини билиш;

ерга ишлов беришни билиш;

ўсимликларни уруғидан ва қаламчасидан кўпайтиришни билиш;

ҳосилни териш ва сақлашни билиш;

аниқланган камчиликларини қайд қилиш ва уларни бартараф этишни билиш.

19-§. Каштачи

45. Каштачи касбининг касбий фаолият объектларига каштачилик лойиҳалари, рангли иплар, махсус матолар, дастгоҳ ва махсус иш асбоблари киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига каштачилик лойиҳаларини чизиш, каштачилик ишларини лойиҳалаш, қоғозга чизилган лойиҳаларни ранг тусини аниқлаган ҳолда турлаш, мавзули иш ҳажмини танлаш, мустаҳкам дастгоҳ тайёрлаш, дастгоҳга махсус матони тортиш, каштани иплар ва махсус иш асбоб-ускуналари ёрдамида тикиш, рангли иплар ёрдамида турли мавзулардаги ишларини тикиш, маиший жиҳозларни кашталар билан безаш.

46. Каштачи касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар киради:

каштачилик асбоб-ускуналаридан тўғри фойдаланишни билиш;

нақш композицияларини яратишни ва тўғри жойлаштиришни билиш;

каштачиликда ишлатиладиган кашта нақшларини яратишни билиш;

уй-рўзғор буюмларига лойиҳа эскизлар яратишни билиш;

маиший ҳаётда бевосита қўлланиладиган кашта буюмларининг лойиҳаларини, композицион гулларини жойлашни билиш;

чок турларини тикишни, тикиш технологиясини танлашни, танланган лойиҳаларда чокларни қўллашни билиш;

мавзули композицияни лойиҳалаш, матога жойлаштиришни билиш;

каштада камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этишни билиш.

20-§. Кафелчи

47. Кафелчи касбининг касбий фаолият объектларига пардозлаш (кошинлаш, мозаика, мрамар ва бошқа материалларни қоплаш) ишларини бажаришда ишлатиладиган материаллар, қоришма, елим, кафел ёпиштириш асбоб-ускуналари, кошинлаш ишлари махсус асбоблари киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига сопол плитка, табиий ва сунъий тошлардан девор конструкцияларини териш, қоплаш ҳамда безаш, кошин, варақсимон, шитсимон, панелсимон ва профилли тузилмаларни пардозланадиган юзаларга қоришма, елим ёки қуруқ ҳолда турли қотиргич ашёлар билан бириктириш ёки қоплаш, қўлда бажариладиган кошинлаш ишларида махсус асбоблардан фойдаланиш, девор ва бошқа юзаларни табиий тош, сопол, глазуранган сопол, мозаика, керамика материаллари билан қоплаш киради.

48. Кафелчи касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар киради:

кошинлаш, мозаика, мрамар ва юзаларни турли материаллар билан қоплашда ишлатиладиган материаллар турлари, хоссалари ва вазифалари, материаллар сифатини билиш;

пардозлаш (кошинлаш, мозаика, мрамар ва бошқа материалларни қоплаш) ишларини бажаришда ишлатиладиган материалларни иш жараёнига тайёрлаш усулларини билиш;

кошинлаш, мозаика, мрамар юзаларни қоплаш ва жило бериш ишлари технологиясини билиш;

кошинлаш, мозаика, мрамар юзаларни қоплаш ва жило бериш ишларида қўлланиладиган асбоб-ускуналарнинг тузилиши ва вазифаларини билиш;

меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилишни билиш;

лойиҳа ҳужжатларига асосан материалларни танлаш ва саралашни билиш;

технологик харита ва лойиҳа ҳужжатлари билан ишлашни билиш;

кошинлаш, юзаларни мозаика, мрамар билан қоплаш ва жило бериш ишларини амалга оширишни билиш;

материаллар сарфи ва бажарилган ишлар ҳажмини ҳисоблашни билиш;

маҳсулоти сифатини баҳолашни, аниқланган камчиликларини қайд қилиш ва уларни бартараф этишни билиш.

21-§. Котиб(а)

49. Котиб(а) касбининг касбий фаолият объектларига замонавий иш юритиш учун зарур бўлган техника воситалари, иш ҳужжатлари, меъёрий ҳужжатлар киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига офис техникаларидан фойдаланиш, интернет тармоғида ишлаш, иш юритишнинг давлат талабларини билиш ва уларни амалда қўллаш, учрашув ва йиғилишларни ташкил этиш, раҳбарнинг хизмат сафари ҳужжатларини расмийлаштириш учун турли чипталар ва меҳмонхоналарни бронь қилиш, ҳужжатлар билан ишлаш, муомала маданияти, ташкилий ишларни бажариш, компьютер дастурларида (Microsoft Office Word, Excel) ишлаш киради.

50. Котиб(а) касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар киради:

- иш юритишнинг давлат талабларини билиш;
- раҳбар ҳузурига келганларни муомала талабларига (этикет) риоя қилган ҳолда қабул қилишни билиш;
- телефонда сўзлашиш этикетига риоя қилган ҳолда қўнғироқларга жавоб бериш ва қўнғироқларни амалга оширишни билиш;
- офис техникаларидан тўғри ва самарали фойдаланишни билиш;
- иш юритиш, кирувчи ва чиқувчи хат ва корреспонденциялар билан ишлашни билиш;
- учрашув ва йиғилишларни ташкил этишни билиш;
- раҳбарнинг хизмат сафари ҳужжатларини расмийлаштиришни, чипталар ва меҳмонхоналарни бронь қилишни билиш;
- офис учун канцелярия молларига буюртма бериш тартибини билиш;
- ташкilot тузилмаси, раҳбарияти, ходимлари ва уларнинг исм-фамилияси, функционал вазифалари тўғрисидаги барча маълумотларни билиш;
- давлат тилида ёки бошқа бирор чет тилида имловий, грамматик ва стилистик хатоларга йўл қўймасдан ишлашни билиш.

22-§. Компьютер ва дастурий таъминотлар ҳамда офис жиҳозларини ўрнатувчи ва уларга техник хизмат кўрсатувчи

51. Компьютер ва дастурий таъминотлар ҳамда офис жиҳозларини ўрнатувчи ва уларга техник хизмат кўрсатувчи касбининг касбий фаолият объектларига шахсий компьютерлар ва офис жиҳозларини йиғиш ва эҳтиёт қисмларга ажратиш учун керакли асбоблар, шахсий компьютерлар ва офис жиҳозларига хизмат кўрсатиш хом ашёлари, техник ва меъёрий ҳужжатлар киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига шахсий компьютерларни йиғиш, дастурий таъминот ўрнатиш ва созлаш, шахсий компьютерлар профилактикаси, компьютерларнинг қўшимча қурилмаларини ўрнатиш ва ки-

чик тузатишлар, офис жиҳозларини ўрнатиш, офис жиҳозларининг дастур қисмларини соzлаш киради.

52. Компьютер ва дастурий таъминотлар ҳамда офис жиҳозларини ўрнатувчи ва уларга техник хизмат кўрсатувчи касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар киради:

амалий фаолиятида шахсий компьютер қисмларини ўрнатишни билиш;
ташқи қурилмаларни улаш, термопастани алмаштиришни билиш;
шахсий компьютернинг носоз қисмларини аниқлаш ва ўзгартиришни билиш;

шахсий компьютер модернизациясини билиш;

турли офис техникасини ўрнатиш, лазер ва пуркагичли принтерларни ҳамда кўп функцияли қурилма, сканерларни ўрнатишни билиш;

драйверларни ўрнатишни билиш;

компьютер ва унинг қўшимча қурилмаларининг носозликларини аниқлаш ва соzлашни билиш.

23-§. Компьютер оператори

53. Компьютер оператори касбининг касбий фаолият объектларига ички ва глобал тармоққа уланган шахсий компьютерлар, проектор, проектор учун экран, лазер билан кўрсатувчи таёқча, интерактив доска, махсус дастурлар тўплами, UPS қурилмаси, модем, шахсий компьютер тизимли блоки, мультимедия воситалари, Web камера, принтер, сканер, факс, махсус дастурлар тўплами, Wi-fi адаптер киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига компьютерда матн киритиш, компьютер дастурларни ўрнатиш, маълумотлар базаси билан ишлаш, жадваллар билан ишлаш, компьютер ва компьютер тизимларини монтаж қилиш, қўшимча қурилмалар билан ишлаш, уларни соzлаш.

54. Компьютер оператори касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар киради:

компьютер архитектурасини, тизимли блок (кейс) тузилишини билиш;

компьютер дастури иш фаолияти носозликларини қидириш ва бартараф этиш қоидаларини билиш;

шахсий компьютер клавиатурасидаги тугмалар гуруҳи ва уларнинг ва-зифаларини билиш;

Windows операцион тизимининг тузилиши, хусусият ва имкониятларини билиш;

Microsoft Office интеграллашган пакетлари билан ишлашни, унинг қўшимча имкониятларини билиш;

антивирус дастурларининг турларини, ишлаш принципини, соzлаш турлари ва улар билан ишлаш тартибини билиш;

шахсий компьютерларни тестлаш ва диагностика қилиш усулларини билиш;

тақдимот ва фотоальбомлар яратишнинг технологик босқичларини билиш;

оптик дискларга ёзиш дастурларини билиш;

мультимедали дастур воситаларини билиш;

интернет таркибидаги дастурий воситаларни билиш;

компьютер техникасини ўрнатишнинг санитар-гигиеник талабларини, техника хавфсизлиги қоидаларини билиш;

матнли ҳужжатлар ва электрон жадваллар билан ишлашни билиш;

архив дастурлари билан ишлашни билиш.

24-§. Кулол

55. Кулол касбининг касбий фаолият объектларига совға буюмлари, маиший буюмлар, бадий таъмирлашга муҳтож буюмлар ва кулолчилик маҳсулотлари киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига лой турлари ва бўёқ турлари билан ишлаш қоидаларига амал қилиш, жиҳозларни фойдаланишга тайёрлаш, махсус асбоб-ускуналар тайёрлаш, майда турдаги совға буюмларини ясаб, уларга бадий безак ишларини бажариш, лой турини танлаш, ҳар хил турдаги ва ҳажмдаги кўза, лаган ва шунга ўхшаш маиший буюмлар қолипни олиш, қолипдан чиқариб тўғри ясаш киради.

56. Кулол касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар киради:

хом ашё ва маҳсулотларга дастлабки ишлов бериш усулларини билиш;

хавфсизлик техникаси ва меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария-гигиена қоидаларини билиши ва риоя қилишни билиш;

касбий вазифаларни самарали амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни қидиришни билиш;

касбий фаолиятида ахборот-коммуникацион технологияларини самарали қўллашни билиш;

амалий фаолиятида мураккаб бўлмаган лойиҳаларни чизишни билиш;

мавзули композицияни тўғри лойиҳалашни билиш;

лойда мавзули композицияни ясаш, пардозлашни билиш;

кулолчиликдаги афзалликлар ва камчиликларни, рангларни тўғри танлашни билиш;

махсус лой ва асбоб-ускуналарни ишлатишни билиш;

лойиҳа устида ишлаш ва композиция тузишни билиш;

талаб даражасида кулолчилик маҳсулотларини ясашни, аниқланган камчиликларини бартараф этишни билиш.

25-§. Кўкаламзорлаштирувчи

57. Кўкаламзорлаштирувчи касбининг касбий фаолият объектларига мевали ва манзарали дарахтлар, буталар, гуллар ва бошқа ўсимликлар, кўкаламзорлаштириш жиҳозлари, техник ва меъёрий ҳужжатлар киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига ерни танлаш, тўғри тайёрлаш, кўчатларни ўтказиш, кўчатларни тўғри тартибда суғориш, уларни зараркунандалардан асраш, уларни тегишли тартибда оқлаш, дарахтларга ўз вақтида шакл бериш, дарахтларнинг касалликларини даволаш киради.

58. Кўкаламзорлаштирувчи касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар киради:

ерга ишлов беришни билиш;

экиладиган дарахт, гул ва ўсимлик турларига қараб ер хозирлашни билиш;

ерни суғориш ва намлантириш ва экишга тайёрлаш ишларини билиш;

мавсумий соғлом гул кўчатларини танлаб олиш ва экишга тайёрлашни билиш;

экилган дарахт, гул ва ўсимликларни суғориш ишларини билиш;

ўсимликларни ёмғирлатиб суғоришни билиш;

ёш дарахт, гул ва ўсимликларни парваришлаш ишларини билиш;

бир йиллик гуллар ҳақида маълумотга эга бўлиш ва уларга қўлда ишлов беришни билиш;

экилган ўсимликларни парваришлаш, сифатини баҳолашни, аниқланган камчиликларини қайд қилиш ва уларни бартараф этишни билиш.

26-§. Мебель ишлари устаси

59. Мебель ишлари устаси касбининг касбий фаолият объектларига мебеллар, мебель ясаш ва таъмирлаш жиҳозлари, йиғиш учун мосламалар, турли материаллардан тайёрланган конструкция ва деталлар, ўлчаш асбоблари, техник ва меъёрий ҳужжатлар киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига мебель материалларини режалаш, дастгоҳ ва қўл асбобларида кесиш, пармалаш, арралаш, мебель деталларни бириктириш, дастгоҳларда фрезалаш, силлиқлаш, мебель буюмларини ясаш, мебелни таъмирлаш киради.

60. Мебель ишлари устаси касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар киради:

мебель ясаш ва таъмирлашда ишлатиладиган асбоб-ускуналар, мослама ва дастгоҳлар турларини ва улардан фойдаланишни билиш;

пармалаш ва ўйиш дастгоҳларнинг тузилиши, турлари, вазифалари тўғрисида умумий тушунчаларни билиш;

бир ва кўп шпинделли тик ва ётиқ пармалаш дастгоҳлари тузилиши турлари, вазифаларининг ўзига хос томонлари ҳақида умумий маълумотларни билиш;

амалий фаолиятида мураккаб бўлмаган чизмаларни ўқишни билиш;

ўлчов асбобларни танлашни билиш;

деталларни ўлчашни, ёғочга ишлов бериш учун режалашни билиш;

хом ашёларни тилишга тайёрлаш ва тилинган материалларни бичишни билиш;

ёғочга қўл асбоблари ёрдамида ишлов бериш, елимлаб бириктириш, эгиш, ёғочларни бичишни билиш;

бичиш аниқлиги ва цехларда иш ўринларини ва ишлаб чиқариш жараёнини кетма-кет ташкил қилишни билиш;

мебель буюмларини ясаш (мебель дераза блоклари, мебель эшик блоклари) ёғоч қисмларини ўзаро бириктириш, дастгоҳларда турли дурадгорлик операцияларини амалга оширишни билиш;

маҳсулот сифатини баҳолашни, аниқланган камчиликларини қайд қилиш ва уларни бартараф этишни билиш.

27-§. Миллий таомлар ошпази

61. Миллий таомлар ошпази касбининг касбий фаолият объектларига турли типдаги ошхона, кафе, ресторан жиҳозлари ва идиш-товоқлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, тарози турлари, назорат-ўлчов асбоблари киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига таом тайёрлаш учун иш ўрнини ташкил этиш ва асбоб-ускуналарини танлаш, жиҳозларни фойдаланишга тайёрлаш, хавфсизлик техникаси ва санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш, таом тайёрлаш учун хом ашёни миқдор ва сифатига қараб тайёрлаш, хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни дастлабки ишлов беришга тайёрлаш ва дастлабки ишлов бериш, тайёрланиши мураккаб бўлмаган миллий суюқ, қуюқ, совуқ ва газак таомларни тайёрлаш, миллий иссиқ, ширин ва салқин ичимликлар тайёрлаш киради.

62. Миллий таомлар ошпази касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қўйидагилар киради:

таом турларини, таом тайёрлаш учун хом ашёнинг миқдор ва сифатига қўйилган гигиеник талабларни билиш;

хом ашё ва маҳсулотларга дастлабки ишлов бериш усулларини, ярим тайёр маҳсулотларни тайёрлашни билиш;

гўшт, парранда, балиқ, сабзавот, ёрма ва бошқа маҳсулотлардан таом тайёрлаш учун механик ва пазандалик ишловини бериш йўлларини билиш;

хавфсизлик техникаси ва меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария-гигиена қоидаларини билиши ва риоя қилиш;

технологик асбоб-ускуналар, назорат-ўлчов асбоблари, жиҳозларининг турларини ва улардан фойдаланиш йўлларини билиш;

таом тайёрлаш учун хом ашёни миқдор ва сифатига қараб тайёрлашни билиш;

таом тайёрлаш учун механик ва иссиқлик (электр, газ, олов ва электрон) жиҳозларни ва назорат-ўлчов асбобларидан фойдаланишни билиш.

28-§. Муқоваловчи

63. Муқоваловчи касбининг касбий фаолият объектларига матбаа ашёлари, ярим фабрикатлар ва босишдан кейинги ишлаб чиқарилган тайёр мат-

баа маҳсулотлари, брошюралаш ва муқовалаш ускуналари, брошюралаш ва муқовалаш жараёнлари параметрлари киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига варақларни буклаш, китоб тахламларини йиғиш, китоб тахламларини маҳкамлаш, босма нашрларга қўшимча элементларни бирлаштириш, китоб тахламини жилдга бирлаштириш, муқова тавақаларини тайёрлаш, тахламни муқовага ўрнатиш, китоблар, папкалар, оқ қоғоз ва бланка маҳсулотларини тайёрлаш бўйича алоҳида муқовалаш жараёнларини бажариш, фаолият соҳасига тегишли кўргазма ва тадбирларда маҳсулотлари билан қатнашиш киради.

64. Муқоваловчи касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қўйидагилар киради:

китоблар, муқова қопқоқлари, папкалар, оқ қоғоз ва бланк буюмларини тайёрлаш бўйича технологик жараёнларни билиш;

материалларга ва ярим тайёр маҳсулотларга техник талабларни, буклаш турлари, букиш машиналарининг ишлаш тамойили ва технологиясини, букланган дафтарларнинг сифатига қўйиладиган талабларни билиш;

дафтарларни йиғиш турлари, қўлда ва машинада йиғиш технологиясини билиш;

босма нашрларни маҳкамлаш турлари ва усуллари, босма нашрларни қўлда маҳкамлаш технологияси, босма нашрларни қурилмаларда маҳкамлаш технологиясини билиш;

қирқиш қурилмаларининг турлари, бир ва уч пичоқли қирқиш машиналарда ишлаш техникасини, қўшимча элемент турлари ва тузилмалари, қўшимча элементларини тайёрлаш технологиясини, жилд турлари ва тавсифлари, нашрларни жилдга бирлаштириш технологияси ва қурилмаларини билиш;

тахламларини жилдга бирлаштиришни билиш;

муқова тавақалари турлари, мўлжалланиши, тузилмаси ва технологик тавсифлари, муқова тавақаларини йиғиш кетма-кетлиги, тахламларини муқова тавақасига ўрнатиш усулларини билиш;

муқовага ўрнатиш қурилмалари, тахламларини муқова тавақаларига қўлда ва машинада ўрнатиш технологиясини билиш;

қоғознинг ҳажми ва зичлигига боғлиқ ҳолатда блок корешогини думалоқлаш режимларини билиш;

тахлам корешогини фальцларини букиш операциялари; тахлам корешогини қўлда ва машинада думалоқлаш технологияси, нашр чидамлилигига ҳамда муқова жилдининг тахлам билан мустаҳкам боғланишига таъсир этувчи кўрсаткичлар, нашрларни қадоқлаш усулларини билиш;

қўлда ва машинада варақларни букишни билиш;

дафтарларни пресслашни билиш;

чизиқлаш ва перфорация операцияларини билиш;

сим ва ип билан тикишни билиш;

елимли маҳкамлашни билиш;

тахламларни жилдга қўлда ва машинада бирлаштиришни билиш;

муқова тавақалари учун материалларни тайёрлашни билиш;

қўлда муқова тавақаларини тайёрлашни билиш;

муқова четларини букишни билиш;
тахламларни муқова тавақаларига қўлда ва матбаа қурилмаларида ўрна-
тишни билиш;
китобларга ишлов бериш операцияларини мустақил бажаришни билиш.

29-§. Мобиль телефонларни таъмирловчи

65. Мобиль телефонларни таъмирловчи касбининг касбий фаолият объектларига жиҳозларни йиғиш учун мосламалар, турли мобиль телефонлар, деталлар ва асбоб-ускуналар, техник ва меъёрий хужжатлар киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига мобиль телефонларни очиш, уларни тозалаш, металлларни қўл асбоблари билан кесиш ва қирқиш, тўғри-
лаш ва эгиш, металлларни эговлаш ва пармалаш, ташқи ва ички резбаларни қўл асбоблари ёрдамида кесиш, металлларни бир-бирига бириктириш (кавшарлаш, елимлаш ва парчинлаш) ҳамда турли бирикмалар орқали йиғиш киради.

66. Мобиль телефонларни таъмирловчи касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар киради:

мобиль телефонларнинг тузилишини ва ишлаш тамойилларини билиш;
касбий фаолиятида ахборот-коммуникацион технологияларни қўллашни билиш;

техника, электр ва ёнғин хавфсизлик қоидаларини билиш;
мобиль телефонларни таъмирлаш воситаларидан фойдаланишни билиш;
мураккаб бўлмаган чизмаларни ўқишни билиш;
ўлчов асбобларни танлашни ва деталларни ўлчашни билиш;
мобиль телефондаги камчиликларни бартараф қилишни билиш.

30-§. Наққош

67. Наққош касбининг касбий фаолият объектларига дўкон, наққошлик асбоблари, нақшлар тўплами, нақш билан бажариладиган кичик ўлчамдаги сувенирлар, нақш билан бажарилган кичик ўлчамдаги уй-рўзгор буюмлари, нақш билан бажарилган декоратив композициялар, нақш билан бажарилган буюмлар, наққошлик санъатида ишлатиладиган асбоб-ускуналар, наққошлик буюмларини безаш усуллари, наққошликда ишлатиладиган бўёқлар киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига наққошлик санъатида ишлатиладиган хом ашёлар ва асбоб-ускуналардан мустақил фойдаланиш, бадиий безалган буюмларни сифатларга ажратиш, наққошлик буюмларини турли усулларда бўяш, ясалган буюмлар кўрғазмасини ташкил этиш, фаолият соҳасига тегишли кўрғазма ва тадбирларда маҳсулотлари билан қатнашиш киради.

68. Наққош касбининг таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар киради:

наққошлик маҳсулотлари, нақш гуллари турларини, композиция асосларини билиш;

нақшни картон қоғозга тушириш усулларини билиш;

ранглар уйғунлигини ва уларни тўғри танлашни билиш;

наққошлик усталари фаолияти ва уларнинг иш услубларини қўллай олишни билиш;

наққошлик санъати тарихини билиш;

наққошлик санъатида ишлатиладиган асбоб-ускуналар турлари ва вазифаларини билиш, улардан фойдалана олишни билиш;

наққошлик буюмларини безаш усулларини билиш;

наққошлик маҳсулоти турига мос композициясини яратишни билиш;

буюмга композицияни тўғри жойлаштиришни билиш;

наққошлик гуллари тархини тайёрлашни, уларни қирқиш ва жойлаштиришни билиш;

наққошлик усуллари турларини, улардан наққошлик маҳсулотига мосини танлашни ва қўллашни билиш;

буюртмага мувофиқ талаб даражасида наққошлик маҳсулотларини тайёрлашни билиш;

наққошлик маҳсулоти сифатини баҳолашни, аниқланган камчиликларини қайд қилиш ва уларни бартараф этишни билиш.

31-§. Новвой

69. Новвой касбининг касбий фаолият объектларига новвойчилик жиҳозлари, ун элаш, хамир қориш, тарозида тортиш, хамирни бўлакларга бўлиш, зувала тугиш, хамирни тиндириш, шакл бериш, хом ашё учун мосламалар, хамирни пишириш учун мосламалар киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига иш ўрнини режалаш, жиҳозларни тартиблаш, ун ва хом ашёларни қўлда тайёрлаш, хамир қориш, тайёр хамирни бўлакларга бўлиш, қўлда зувала тугиш, тиндириш ва ясаш, пиширишга тайёрлаш ҳамда пишириш, фаолият соҳасига тегишли кўргазма ва тадбирларда маҳсулотлари билан қатнашиш киради.

70. Новвой касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар киради:

хавфсизлик техникаси ва меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария-гигиена қоидаларини, иш ўрнини ташкил қилишни билиш;

механик ва иссиқлик жиҳозларини иш ҳолатига тушириш ва тўхтатиш тартибини билиш;

технологик асбоб-ускуналар, назорат-ўлчов асбоблари, жиҳозларининг турлари ва улардан фойдаланиш йўлларини билиш;

хамир тайёрлаш учун хом ашёни миқдор ва сифатига қараб тайёрлашни билиш;

хом ашё ва маҳсулотларга дастлабки ишлов бериш, ярим тайёр маҳсулотларни тайёрлаш тартибини билиш;

ун, крахмал, шакар, асал, патокага ишлов беришни билиш;

тухум ва тухум маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотларига ишлов беришни билиш;

сарийёғ, маргарин ва масалликларни қовуриш учун ишлатиладиган ёғларни технологик жараён учун тайёрлашни билиш;

хамир кўпиртиргичга ишлов беришни билиш;

ундан тайёрланадиган нон маҳсулотлари учун ишлов беришни билиш; нон маҳсулотларининг ичига солинадиган масалликларни тайёрлашни билиш;

хамир турлари ва уни кўпиртириш усулларини билиш;

тайёрланиши мураккаб бўлмаган новвойчилик маҳсулотларини тайёрлаш технологияларини ва тайёрлаш босқичларини билиш;

новвойчилик маҳсулотларини тайёрлаш учун механик ва иссиқлик (электр, газ, олов ва электрон) жиҳозларни, шунингдек, назорат-ўлчов асбобларини ишлата олишни билиш;

иш жойини ташкил қилиш ва техника хавфсизлиги, санитария ва гигиена қоидаларига амал қилишни билиш;

асосий ва қўшимча хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни миқдор ва сифатига қараб тайёрлашни билиш;

техник, электр ва электрон тарозилардан фойдаланишни билиш;

хом ашё ва озиқ-овқат маҳсулотларига дастлабки ишлов бериш ва ярим тайёр маҳсулотлар тайёрлашни билиш;

ундан тайёрланадиган нон маҳсулотлари учун ярим тайёр маҳсулотлар тайёрлашни билиш;

хамир кўпиртиргичларни технологик жараён учун тайёрлашни, хамирни кўпиртириш усулларини билиш;

хамир турлари ва уни кўпиртириш усулларини билиш;

новвойчилик ярим тайёр маҳсулотларини тайёрлашни билиш.

32-§. Официант

71. Официант касбининг касбий фаолият объектларига ресторан, кафе, бар, ошхона анжомлари, ёрдамчи анжомлар, ресторан, кафе, бар, ошхона идиш-товоқлари, салфетка-дастурхонлари, ресторан, кафе, бар, ошхона мебеллари ва жиҳозлари, техник ва меъёрий хужжатлар киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига мижозлар билан муомала қилиш, столларни безатиш, меню ишлаб чиқиш ва тақдим этиш, таом ва ичимликлар хусусиятларини билиш, буюртмалар қабул қилиш, столга таом ва ичимликлар тортиш, мижозлар билан ҳисоб-китоб қилиш киради.

72. Официант касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қўйидагилар киради:

амалий фаолиятида мижозлар билан муомала қилишни билиш;

салфетка ва дастурхонлар билан ишлашни билиш;

идишлар билан ишлаш техникаларини билиш;

таом ва ичимликлар хусусиятларини билиш;

мижозлар билан муомала маданиятини ва касб этикасини билиш;

столларни безатишни билиш;
меню ишлаб чиқиш ва тақдим этишни билиш;
буюртмалар қабул қилишни билиш;
столга таом ва ичимликлар тортишни билиш;
мижозлар билан ҳисоб-китоб қилишни мустақил бажариш кўникмаларини билиш.

33-§. Парда тикувчи

73. Парда тикувчи касбининг касбий фаолият объектларига тикув машиналари, тикув машинаси қисмлари, дазмол, бичиш столи, дазмоллаш столи, йўрмалаш машинаси ва ўлчаш асбоблари, техник ва меъёрий ҳужжатлар киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига жиҳозларнинг турларини билиш, расм ва эскизларни тайёрлашда ишлатиладиган анжомларни ишла-тиш, андоза турлари, андозага қўшилган қўшимчаларни билиш, андозаларда тегишли ёзув, чизик, тешикча ҳамда кертикларни белгилаш, газлама сифат ва сонини аниқлаш, технологик тушунтириш картасини ўқиш, деталга ишлов бериш усули кетма-кетлигини билиш, тикувчилик дастгоҳларида тикишни билиш, қўлланиладиган ускуна ва кичик мосламаларни ишлата олиш, намлаб иссиқлик орқали ишлов бериш турлари, жиҳозлари, ускуна ва мосламаларида ишлаш киради.

74. Парда тикувчи касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар киради:

парда тикиш маҳсулотларига мос мато турларини, ип турларини, нақш гуллари турларини билиш;

композиция асосларини, нақшни картон қоғозга тушириш, қирқиш ва матога қавиш усулларини билиш;

ранглар уйғунлигини ва уларни тўғри танлашни билиш;

тикиш анжомлари турлари ва вазифаларини, тикиш усулларини билиш;

парда тикиш маҳсулоти турига мос композициясини яратишни билиш;

парда тикиш маҳсулотининг лойиҳасини чизишни билиш;

матого композицияни тўғри жойлаштиришни билиш;

парда тикиш усуллари турларини, буюртмага мувофиқ талаб даражасида тикишни билиш;

тикиш жараёнида усулларни тўғри танлашни билиш;

парда тикиш сифатини баҳолашни, аниқланган камчиликларни қайд қилиш ва уларни бартараф этишни билиш.

34-§. Паррандачи

75. Паррандачи касбининг касбий фаолият объектларига паррандалар, инкубаторлар, ҳар хил турдаги махсус катаклар, махсус кийимлар киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига паррандаларни боқиш, парваришлаш, инкубаторни ишлатиш киради.

76. Паррандачи касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қўйидагилар киради:

паррандаларнинг турига қараб, галалаб ва катакларда боқишни билиш;
инкубаторни ишлатишни билиш;

боқиладиган парранда турига қараб инкубаторларни танлашни билиш;
паррандалар касалликларининг олдини олиш мақсадида ветеринария чоратадбирларини ўтказишни билиш.

35-§. Пиллачи

77. Пиллачи касбининг касбий фаолият объектларига қурт боқиш хонаси, стилаж, пилла қурти, тут барги, хонани иситиш воситалари киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига пилла етиштириш учун хона танлаш ва жиҳозлаш, пилла қурти учун озуқа базасини тайёрлаш, пилла қуртини қабул қилиш, пилла етиштириш агротехникасига риоя қилган ҳолда қуртларни боқиш, пилла қурти ривожини назорат қилиб бориш, пилла қурти касалликларини вақтида аниқлаш ва зарур чораларни кўриш, пилла етилганлигини аниқлаш, пиллани сифатли териш ва топшириш киради.

78. Пиллачи касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қўйидагилар киради:

ипак қурти озуқа базасини ташкил қилишни билиш;

уруғ зотларини танлашни билиш;

қурт уруғини жонлантиришни билиш;

қурт боқиш хоналарини ва жиҳозларни тайёрлашни билиш;

қурт боқиш агротехникасини билиш,

пилла териш муддатини аниқлашни билиш;

пилла териш, навларга ажратиш ва қабул пунктларига топширишни билиш;

пиллани қабул қилиш, саралаш, сақлаш меъёрларини билиш;

зараркунандаларга қарши курашни билиш.

36-§. Пойабзал таъмирловчи

79. Пойабзал таъмирловчи касбининг касбий фаолият объектларига пойабзал таъмирлаш ишчи столи, пойабзал таъмирлаш асбоб-ускуналари, пойабзал таъмирлаш хом ашёлари, чармлар, елимлар, иплар, тагликлар, пардозлаш материаллари, қолиплар жамланмаси киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига пойабзални тикиш, пошналарни таъмирлаш, пойабзал патагини алмаштириш, тановар астарлигини янгилаш киради.

80. Пойабзал таъмирловчи касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қўйидагилар киради:

пойабзал таъмирлаш ишчи ўринларини ташкил қилишни, пойабзал таъмирлашда ишлатиладиган асосий ва ёрдамчи асбобларни билиш;

пойабзал таъмирлашда ишлатиладиган устки ва таглик материалларни билиш;

пойабзал тановари ва пойабзални йиғиш технологик жараёнларини билиш;

пойабзални детал ва боғламларга ажратишни, пойабзал тановарини таглик билан бириктириш усулларини, пойабзални таъмирлаш учун ишлатиладиган чок турларини билиш;

пойабзал тановарини юза ва астар қисмларини, пойабзал таглигини, пошналар ва баланд пошналар пойабзаллар пошнасини таъмирлашни билиш;

пойабзални тайёрлаш ва таъмирлашда ишлатиладиган иситиш воситаларидан фойдаланишни билиш;

чарм-атторлик буюмларини таъмирлашни билиш;

тикиб таъмирланган пойабзални пардозлашни билиш;

меҳнатни ташкил қилишни ва бажариладиган ишни режалаштиришни билиш;

чарм резина ва полиуретан тагликларини, молнияли тақилмани таъмирлашни билиши, шунингдек пойабзални боғламларга ажратишни билиш;

сумка ва портфелларни, камарларни, спорт анжомларини таъмирлашни билиш;

таъмирланган пойабзал сифатини баҳолашни, аниқланган камчиликларини қайд қилиш ва уларни бартараф этишни билиш.

37-§. Полизчи

81. Полизчи касбининг касбий фаолият объектларига суғориладиган ва лалмикор полиз экин турлари, уларнинг уруғлари, полизчиликда қўлланиладиган асбоб-ускуналар, полизчиликда қўлланиладиган минерал ўғитлар кирази.

Битирувчининг касбий фаолият турларига полиз экинлари экиш учун ер тайёрлаш ва ўғитлаш, ерга ишлов бериш ва экишга тайёрлаш, полиз экинларини экиш, полиз экинларини парваришлаш фаолият соҳасига тегишли кўрғазма ва тадбирларда маҳсулотлари билан қатнашиш кирази.

82. Полизчи касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар кирази:

полиз экинларининг ботаник таснифи ва навларини, полиз экинларининг морфологик ва биологик хусусиятларини, полизчиликда қўлланиладиган асбоб-ускуналарни, суғориладиган ерларда полиз экинлари етиштириш технологиясини, лалмикор ерларда полизчилик хусусиятларини, ҳосилни йиғиш, ташиш ва сақлаш усулларини билиш;

полиз экинлари навлари ва уларнинг уруғларини саралашни билиш;

экиш учун ер танлашни, тайёрлашни ва ўғитлашни билиш;

ерга ишлов бериш ва экишга тайёрлашни билиш;

полиз экинларини экишни ва парваришлашни билиш;

касаллик ва зараркунандаларга қарши курашни билиш;

ҳосилни йиғиш ва сақлашни билиш.

38-§. Сантехник

83. Сантехник касбининг касбий фаолият объектларига ички сув таъминоти, ички канализация тизимлари, санитар-техник асбоблар, металлни кесишда ишлатиладиган механизмлар ва мосламалар, сантехника жиҳозлари, мосламалар, турли материаллардан тайёрланган конструкция ва узеллар, деталлар, ўлчаш асбоблари киради.

Битирувчининг касбий фаолият турлари — лойиҳа чизмалари ва технологик ҳужжатлар билан ишлаш, сантехника қурилмалари ва жиҳозлари техник талабларини бажариш, сантехника жиҳозларини ўрнатиш, сантехника жиҳозларини таъмирлаш ишлари киради.

84. Сантехник касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар киради:

Сув айланиш ва сув билан иситиш тизимларини, сантехника жиҳозларини билиши;

турли материаллардан тайёрланган конструкция ва узеллар, деталларни, ўлчаш асбобларини билиш;

ёнғин, электр ва техника хавфсизлиги қоидаларини, санитария ва гигиена қоидаларини билиш;

техник, технологик ва меъёрий ҳужжатларни билиш;

амалий фаолиятида мураккаб бўлмаган чизмаларни ўқишни ҳамда чизмалар ёрдамида ишни бажаришни билиш;

сантехника жиҳозлари, мосламаларини ўрнатиш ва таъмирлаш ишларини мустақил бажаришни билиш.

39-§. Сотувчи-кассир

85. Сотувчи-кассир касбининг касбий фаолият объектларига товарлар, савдо тарозилари, ўлчаш асбоблари, касса аппаратлари, қадоклаш воситалари, техник ва меъёрий ҳужжатлар киради.

Сотувчи-кассир касбига мувофиқ касбий фаолият турларига савдо залларини, дераза витриналарини жиҳозлаш, товарларни сақлаш муддати ва вақтини назорат қилиш, савдо технологик жиҳоз ва инвентарни қабул қилиш ва ишлатиш, маҳсулотларни савдога тайёрлаш, савдо маҳсулотлари турини ажратиш ва маҳсулотларга буюртма бериш, бирламчи ҳисоб ҳужжатларини расмийлаштириш, ёнғин сигнализациясидан ва ёнғин ўчириш биринчи воситаларидан фойдаланиш, қўриқлаш воситаларидан фойдаланиш ва дўконни қоровулга топшириш, маҳсулотларни харидорларга кўрсатиш ва сотиш киради.

86. Сотувчи-кассир касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар киради:

савдо-технологик жараёнларни, товарлар ва уларнинг ассортиментини, товарларнинг истеъмол хусусиятларини билиш;

савдо бўлимлари ва уларнинг фаолиятини билиш;

электрон жиҳозлар билан ишлашни билиш;

харидорлар билан муомала маданиятини ва касб этикасини билиш;
товарларни савдо залига жойлаштириш қоидаларини билиш;
электрон жиҳозлар билан ишлашда техника хавфсизлиги, электр ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билиш;
турли хил тарозиларда ишлашни, шу жумладан электрон назорат тарозилар ва уларнинг турларини билиш;
электрон принтерли тарозиларда чек рулонларини жойлаштиришни билиш;
савдо инвентарларидан фойдаланишни билиш;
товарларни савдо залига тайёрлашни ҳамда қадоқловчи жиҳозлар билан ишлашни билиш.

40-§. Сувоқчи

87. Сувоқчи касбининг касбий фаолият объектларига сувоқчилик жиҳозлари, суваш учун ишлатиладиган материаллар, суваш учун турли қоришмалар киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига сувоқчилик ишларини бажариш, сувоқчилик жиҳозларини ишлатиш, суваш учун юзаларни тайёрлаб ишлов бериш, суваш учун турли қоришмаларни тайёрлаш ва уларни ишлатиш, сувалган жойларни оддий ва сифатли пардозлаш, фаолият соҳасига тегишли кўрик ва тадбирларда қатнашиш киради.

88. Сувоқчи касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар киради:

сувоқчилик жиҳозларини ишлатишни, суваш учун юзаларни тайёрлашни, суваш учун турли қоришмаларни тайёрлаш ва улардан фойдаланишни, сувалган жойларни оддий ва сифатли пардозлаш усулларини билиш;

сувоқчилик маҳсулоти юзаларга ишлов беришига қараб танлашни билиш;

сувоқчилик ишлар сифатини баҳолашни билиш;

аниқланган камчиликларини қайд қилиш ва уларни бартараф этишни билиши.

41-§. Сут соғувчи

89. Сут соғувчи касбининг касбий фаолият объектларига соғин чорва турлари, сут соғиш аппаратлари, сут солинадиган идишлар, махсус кийимлар киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига сут соғиш, сутларни идишларга жойлаш киради.

90. Сут соғувчи касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар киради:

соғин чорва турларини соғиш вақтларини билиш;

қўлда ёки сут соғиш аппаратларида сигир ва эчкиларни соғишни билиш;

сут соғиш аппаратларини ишлатишни билиш;

соғиладиган чорва турига қараб соғиш аппаратларини танлашни билиш;
соғиш даврида соғиладиган чорванинг елинларида турли яра ёки шунга
ўхшаш ветеринар хизматига муҳтожлик бор-йўқлигини аниқлашни билиш;
сут соғиш аппаратларини ювиш ва сақлашга қўйишни билиш.

42-§. Тикувчи

91. Тикувчи касбининг касбий фаолият объектларига тикув ишлаб чиқариш корхоналари, тикувчилик цехлари, оилавий ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик, буюртма асосида тикиш киради.

Битирувчининг касбий фаолият турлари, жиҳозларнинг турларини билиш, расм ва эскизларни тайёрлашда ишлатиладиган анжомларни ишлатиш, андоза турлари, андозага қўшилган қўшимчаларни билиш, андозаларда тегишли ёзув, чизик, тешикча ҳамда кертикларни белгилаш, газлама сифат ва сонини аниқлаш, технологик тушунтириш картасини ўқиш, кийимга ишлов бериш усули кетма-кетлигини билиш, тикувчилик дастгоҳларида тикишни билиш, қўлланиладиган ускуна ва кичик мосламаларни ишлата олиш, намлаб иссиқлик орқали ишлов бериш турлари, жиҳозлари, ускуна ва мосламаларида ишлаш киради.

92. Тикувчи касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қўйидагилар киради:

жиҳозларнинг турларини, махсус компьютер дастурларини билиш;
расм ва эскизларни тайёрлашда ишлатиладиган анжомларни ишлатишни билиш;

андоза турлари, андозага қўшилган қўшимчаларни, андозаларда тегишли ёзув, чизик, тешикча ҳамда кертикларни белгилашни билиш;

кийимга ишлов бериш усули кетма-кетлигини билиш;

тикиш анжомлари турлари ва вазифаларини билиш;

газлама сифат ва сонини аниқлашни билиш;

қўл чоклари турлари ва атамаларини билиш;

машина чоклари турлари ва атамаларини билиш;

технологик тушунтириш картасини ўқишни билиш;

тикувчилик дастгоҳларда тикишни билиш;

кийимга ишлов бериш усули кетма-кетлигини билиш;

газлама сифатини аниқлашни билиш;

андозаларда тегишли ёзув, чизик, тешикча ҳамда кертикларни белгилашни билиш;

буюртмага мувофиқ талаб даражасида тикишни билиш;

намлаб иссиқлик орқали ишлов бериш ускуна ва мосламаларида ишлашни билиш.

43-§. Токаръ

93. Токаръ касбининг касбий фаолият объектларига токарлик дастгоҳлари, конструкторлик, техник, технологик ва меъёрий ҳужжатлар, ишлов

беришда қўлланиладиган мосламалар, ишлов бериш ва назорат-ўлчов асбоблари кирази.

Битирувчининг касбий фаолият турлари-металларга ва турли материалларга ишлов беришда токарлик винт-қирқиш дастгоҳларини созлаш ва ростлаш, турли типдаги токарлик винт-қирқиш дастгоҳларида деталларга ишлов бериш, металларга ва турли материалларга ишлов беришда ишлов бериш ва назорат-ўлчов асбобларини танлашни билиши кирази.

94. Токаръ касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар кирази:

металларга ишлов бериш дастгоҳларининг тузилишини, универсал ва махсус мосламаларни қўллаш қоидаларини билиш;

ўлчов-назорат асбоблари тузилишини, кесиш асбобларининг геометрик вазибаларини билиш;

электр хавфсизлик талабларини, металларга ишлов бериш дастгоҳларида ишлов беришда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларини билиш;

токарлик дастгоҳларида турли кесиш асбоблари ва универсал мосламалар ёрдамида деталларга ишлов беришни билиш;

ташқи цилиндрик юзаларга, торецларга, конус юзаларга ишлов беришни билиш;

ички цилиндрик ва конус юзаларни пармалашни ва йўниб кенгайтиришни билиш;

плашка ва метчик ёрдамида ташқи ва ички резбалар қирқишни билиш;

токарлик дастгоҳларида резба қирқувчи резец билан ташқи ва ички резбалар қирқишни билиш;

хизмат кўрсатаётган дастгоҳларини созлашни билиш.

44-§. Фотограф

95. Фотограф касбининг касбий фаолият объектларига рақамли фото-видео камералар, компьютер, график дастурлар, рангли принтерлар, сканер, сунъий ёритиш қурилмалари, фотоматериаллар кирази.

Битирувчининг касбий фаолият турларига рақамли фото-видео камераларда суратга олиш, компьютер техникаларидан фойдаланиш, график дастурларда суратларни таҳрирлаш, рангли принтерларда чоп этиш, сканер ёрдамида суратни компьютер хотирасига киритиш, эсдалик учун суратга олиш, манзараларни, маросимларни, меъморий ёдгорликларни суратга олиш, суратларга ишлов бериш, эски суратларни қайта тиклаш, хужжатлар учун суратлар тайёрлаш, компьютернинг суратларга ишлов бериш дастурларида ишлаш кирази.

96. Фотограф касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар кирази:

расмларга ишлов беришда компьютер дастурларидан фойдаланишда меҳнат муҳофазаси, техника ва ахборот хавфсизлиги қоидаларини билиш;

рақамли фотоаппаратлардан фойдаланишни билиш;

турли жанрларда суратга олишни билиш;
сунъий ёритиш мосламаларидан фойдаланишни билиш;
турли хилдаги фотопринтерлардан фойдаланишни билиш;
хужжатлар учун сурат тайёрлашни билиш;
эски суратларни қайта тиклашни билиш;
график дастурларда амалий ишларни бажаришни билиш.

45-§. Чилангар

97. Чилангар касбининг касбий фаолият объектларига чилангарлик жиҳозлари, йиғиш учун мосламалар, турли материаллардан тайёрланган конструкция ва узеллар, деталлар ва ўлчаш асбоблари, техник ва меъёрий хужжатлар киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига металлларни режалаш, металлларни қўл асбоблари билан кесиш ва қирқиш, металлларни қўл асбоблари билан тўғрилаш ва эгиш, металлларни эговлаш, металлларни пармалаш, ташқи ва ички резбаларни қўл асбоблари ёрдамида кесиш, металлларни бир-бирига бириктириш (кавшарлаш, елимлаш ва парчинлаш) ҳамда турли бирикмалар йиғиш киради.

98. Чилангар касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қўйидагилар киради:

ўлчов асбобларининг тури ва уларнинг тузилишини билиш;
металлларни режалашни, металлларни кесиш усулларини билиш;
резбалар турини ва уларни кесиш усулларини билиш;
кавшарлар ва елимлар турларини билиш;
чилангарлик ишларини бажаришда хавфсизлик техникаси талабларини билиш;
амалий фаолиятда мураккаб бўлмаган чизмаларни ўқишни билиш;
ўлчов асбобларини танлаш ва деталларни ўлчашни билиш;
металларга ишлов бериш учун режалашни билиш;
металлларни қўл асбоблари билан кесиш ва қирқишни билиш;
металлларни механизациялашмаган ускуналар билан тўғрилаш ва эгишни билиш;
металлларни эговлаш, металлларни пармалаш, ташқи ва ички резбаларни метчик ва плашка ёрдамида кесишни билиш;
металлларни бир-бирига бириктириш (кавшарлаш, елимлаш ва парчинлаш), уй-рўзғор буюмларини (илгак, зулфин, куракча, хомут ва ҳ. к.) тайёрлашни билиш.

46-§. Чорвадор

99. Чорвадор касбининг касбий фаолият объектларига қорамол, қўй, йилки, чўчка, туя, эчки каби ҳайвонлар турлари, чорвачилик асбоблари ва жиҳозлари, чорвачилик ҳайвонлари учун юритиладиган журналлар ва меъёрий хужжатлар киради.

Битирувчининг касбий фаолият турлари, ҳайвон турига қараб озуқа маҳсулотларини қиш ва кузги мавсумга тайёрлаш, озуқа рационини тузиш, чорва ҳайвонларини озиклантириш, сақлаш, асраш, кўпайтириш, чорва зотларини яхшилаш киради.

100. Чорвадор касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қўйидагилар киради:

чорва биноларидаги хавфсизлик техника қоидалари, зоогигиеник талабларни билиш;

қорамол, қўй, йилқи, чўчка, туя, эчки зотларини билиш;

ҳайвон турига қараб тузилган рацион асосида озиклантиришни билиш;

чорва парваришланадиган биноларда ишлатиладиган механизациялашган ва автоматлаштирилган ускуналарни вазифасига кўра ажратишни билиш;

чорва ҳайвонларини турига қараб урчиш ва туғиш мавсумларини, ҳайвонларни бўғозлик даври календарини юритишни билиш;

чорвачилик фермалари турларини фарқлашни билиш;

фермаларда техника, электр ва ёнғин хавфсизлик қоидаларига риоя қилишни билиш;

шикастланишдан сақланишни билиш;

биринчи ёнғин ўчириш ускуналаридан фойдаланишни билиш;

санитария ва гигиена қоидаларига амал қилишни билиш;

иш жойида махсус кийимдан фойдаланиш талабларига риоя қилишни билиш.

47-§. Шина монтажчи

101. Шина монтажчи касбининг касбий фаолият объектлари шина монтажчи учун зарур жиҳозлар ва мосламалар, шиналар ва ўлчаш асбоблари, кўтаргич, техник ва меъерий ҳужжатлар, шина монтажчининг иш жараёнидаги махсус иш кийими киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига шина монтаж қилиш, шина ва филдиракларни таъмирлаш, шина демонтаж қилиш киради.

102. Шина монтажчи касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қўйидагилар киради:

автомобилларнинг юриш қисмига техникавий хизмат кўрсатиш ва таъмирлашда қўлланиладиган технологик жиҳозларни билиш;

автомобилларни таъмирлаш жараёнида меҳнат хавфсизлиги ва саноат санитарияси талабларини билиш;

ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ва атроф-муҳитни муҳофазалаш чораларининг мазмуни ва моҳиятини билиш;

филдиракларнинг тузилишини, шиналарнинг филдиракка маҳкамлаш усулларини, дискасиз филдирак тузилишининг ўзига хослигини билиш;

шиналарнинг вазифалари ва турларини билиш;

камерали ва камерасиз шиналарнинг тузилишини билиш;

шина ўлчовларининг белгиланиши, шина ҳолати ва конструкциясининг

йўл ҳаракати хавфсизлигига таъсирини, шиналарнинг филдиракка маҳкамлаш усулларини билиш;

автошиналарнинг нақшли қопламаларининг носозликларини таъмирлаш турларини билиш;

шиналарни таъмирлашга қабул қилиш учун техник шартларни, шиналардаги ҳаво босими меъёрларини билиш;

махаллий шикастларни таъмирлаш технологик жараёни, тозалаш ва ювиш, тозалаш ишлари, протекторни елимлаш ва қуритишни билиш;

шиналарни таъмирлаш технологик жараёни, протекторни текшириш ва таъмирлаш усулини белгилаш, протекторга елим суртиш, қуритиш, протектор резинани тайёрлаш, вулканизация усулида пишириш, тозалов ишловини билиш;

якка ва қўшалок филдиракни гупчакка маҳкамлашни билиш;

камерали ва камерасиз шиналарни ўрнатишни билиш;

шиналардаги ҳаво босими меъёрларини аниқлашни билиш;

захирадаги филдиракни ушлагичга ўрнатиш ва маҳкамлашни билиш.

48-§. Қандолатчи

103. Қандолатчи касбининг касбий фаолият объектларига қандолатчилик билан боғлиқ бўлган техник, технологик ва меъёрий ҳужжатлар, ишлов беришда қўлланиладиган мосламалар, озик-овқат маҳсулотлари, тарози турлари, назорат-ўлчов асбоблари киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига қандолат маҳсулотларини тайёрлаш учун иш ўрнини ташкил этиш ва асбоб-ускуналарини танлаш, жиҳозларни фойдаланишга тайёрлаш, хавфсизлик техникаси ва санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш, қандолат маҳсулотларини тайёрлаш учун хом ашёни миқдор ва сифатига қараб ажратиш, хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни дастлабки ишлов беришга тайёрлаш ва дастлабки ишлов бериш, ундан тайёрланадиган қандолат маҳсулотлари учун ярим тайёр масалликларни тайёрлаш, қиймалар ва маҳсулотларнинг ичига солинадиган масалликларни тайёрлаш, қиём, куйдирилган шакар (жженка) помада, мевали масалликларни тайёрлаш, хамир турларини тайёрлаш киради.

104. Қандолатчи касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар киради:

таом турларини, таом тайёрлаш учун хом ашёнинг миқдор ва сифати қўйилган гигиеник талабларни билиш;

хавфсизлик техникаси ва меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария-гигиена қоидаларини билиши ва риоя қилишни билиш;

механик ва иссиқлик жиҳозларини иш ҳолатига тушириш ва тўхтатиш тартибини билиш;

технологик асбоб-ускуналар, назорат-ўлчов асбоблари, жиҳозларининг турлари ва улардан фойдаланиш йўлларини билиш;

таом тайёрлаш учун хом ашёни миқдор ва сифатига қараб тайёрлашни билиш;

хом ашё ва маҳсулотларга дастлабки ишлов бериш, ярим тайёр маҳсулотларни тайёрлаш тартибини билиш;
 ярим тайёр маҳсулотларни тайёрлаш тартибини билиш;
 ун, крахмал, шакар, асалга ишлов беришни билиш;
 тухум ва тухум маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларига ишлов беришни билиш;
 сариёғ, маргарин ва масаллиқларни қовуриш учун ишлатиладиган ёғларни технологик жараён учун тайёрлашни билиш;
 хамир кўпиртиргичларга ишлов беришни билиш;
 мазали таъм ва ёқимли ҳид берадиган моддаларни технологик жараён учун тайёрлашни билиш;
 ундан тайёрланадиган қандолат маҳсулотлари учун яримфабрикатлар ишловини беришни билиш;
 қиймалар ва маҳсулотларнинг ичига солинадиган масаллиқларни тайёрлашни билиш;
 хамир турлари ва уни кўпиртириш усулларини билиш;
 тайёрланиши мураккаб бўлмаган қандолатчилик маҳсулотларини тайёрлаш технологияларини ва тайёрлаш босқичларини билиш;
 қандолатчилик маҳсулотларини тайёрлаш учун механик ва иссиқлик (электр, газ, олов ва электрон) жиҳозларни, шунингдек, назорат-ўлчов асбобларини ишга тайёрлай олишни билиш;
 электрон тарозилардан фойдаланишни билиш;
 тайёрланиши мураккаб бўлмаган, ундан тайёрланадиган қандолат маҳсулотлари учун ярим тайёр маҳсулотлар тайёрлашни билиш;
 хамир кўпиртиргичларни технологик жараён учун тайёрлашни билиш;
 қандолатчилик ярим тайёр маҳсулотларини тайёрлашни билиш.

49-§. Гишт терувчи

105. Гишт терувчи касбининг фаолият объектларига гишт, цемент, кум, тупрок, гишт терувчилик асбоблари киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига гишт-тош терувчиларнинг иш ўринларини ташкил этиш, бино ва иншоотлар деворларини пишиқ ёки хом гишздан териш, деворни сунъий ва табиий тошдан тайёрланган материаллар билан қоплаш киради.

106. Гишт терувчи касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар киради:

бино ва иншоотлар деворларини пишиқ гишздан қулф-калит қилиб териш қоидаларини билиш;

сопол плитка, девор қоплашда ишлатиладиган табиий тошларнинг хусусиятларини билиш;

гишт-тош терувчиларнинг иш ўринларини ташкил этишни билиш;

девордаги тутун ва вентиляция каналлари, арка ва гумбазлар теришни билиш;

қиш шароитида гишт-тош теришни билиш;

фишт-тош териш ишларини бажариш жараёнида техника хавфсизлигини билиш;
девор, устун, оралик деворларини теришни билиш;
фишт-тош теришнинг сифатини текширишни билиш;
фишт-тошдан терилган бино қисмларини таъмирлаш ишларини билиш;
фишт-тошдан терилган бино қисмларини гидроизоляциялаш ишларининг сифатини баҳолашни билиш;
аниқланган камчиликларни қайд қилиш ва уларни бартараф этишни билиш.

50-§. Ўрмончи

107. Ўрмончи касбининг касбий фаолият объектларига ўрмонлар, ўрмон ўсимликлари ва ҳайвонлари, ўрмон хўжалиги, ўрмон хўжалиги биологическая лабораторияси, техник ва меъёрий ҳужжатлар киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига ўрмонни броканерлардан ва қонун бузувчилардан ҳимоя қилиш ва қўриқлаш, ўрмонни ҳар томонлама ривожлантириш, ўрмондан ҳар томонлама фойдаланиш ва фойда келтириш, ўрмонни суғориш ва кўкаламзорлаштириш, зараркунандалардан ва касалликлардан ҳимоя қилиш киради.

108. Ўрмончи касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар киради:

ўрмончилик касбидаги меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги, қизил китобга киритилган ҳайвон ва ўсимликларни, ўрмон турлари, майдонларини, ўрмон манзарали дарахт ва ўсимликлар оилаларини, доривор ўсимликлар турларини билиш;

ўрмон ўсимликлари зараркунандалари ва касалликларининг номини ва фарқини билиш;

дарахтларга ишлов бериш ва парваришлашни, ўғит номларини билиш;
геодезик карта (план)да юзани аниқлаш ва ҳисоблашни билиш;

тупроқ турлари ва таркибини аниқлашни, ўрмон ўсимликлари зараркунандалари ва касалликларига қарши курашишни билиш;

манзарали ва мевали дарахтларга шакл беришни билиш;

мевали дарахтларни пайвандлаш усулларини билиш;

мевали ва манзарали дарахтлар кўчатларига ер тайёрлаш ва экиш усулларини билиш;

дарахтларда таксация ўтқозишни билиш.

51-§. Эркаклар сартароши

109. Эркаклар сартароши касбининг касбий фаолият объектларига соч қирқиш асбоб-ускуналари, соч ювиш воситалари, соч қирқиш усуллари, сартарошхона ва гўзаллик салонлари киради.

Битирувчининг касбий фаолият турларига соч қирқиш бўйича фасонлар яратиш, соч қирқиш усуллари: тушевка (тароқни ишлатмасдан, тароқ-

ни ишлатиб), окантовка (оддий ва филировка қайчида, устарада) қилиш, оддий қайчи ва икки жуфт оддий қайчи ёрдамида сочни қирқиш усуллари («сэс-сун», «градуировка», «бахрома»; сирпанувчи филировка қилиш), буралган тутам сочларни устара ёрдамида филировка қилиш, фаолият соҳасига тегишли кўргазма ва тадбирларда қатнашиш.

110. Эркаклар сартароши касбига ўргатиш таълим дастурини ўзлаштирган битирувчининг касбий компетенциясига қуйидагилар киради:

эркаклар сартароши жихозларини, асбоб-ускуналарининг турларини билиш;

иш жойини ташкил қилиш қоидаларини, техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси талабларини, санитария ва гигиена қоидаларини, электр ва ёнгин хавфсизлиги талабларини билиш;

эркаклар сартароши ишларининг турларини, соч кесиш усулларини, соч бўйаш усуллари ва технологиясини билиш;

аниқланган камчиликларни бартараф этишни билиш.

3-боб. Яқуний қоида

111. Мазкур Малака талабалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган.

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Таълим сифатини назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлиғи*

У. ТАШКЕНБАЕВ

2018 йил 10 сентябрь

*Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири*

Ш. КУДБИЕВ

2018 йил 10 сентябрь

Умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида бериладиган касблар бўйича малака талабларига ИЛОВА

Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида ўргатиладиган касблар бўйича
ЎҚУВ РЕЖА

Т/р	Ўқув режа таркиби	Аудитория ўқув юкلامаси			Чораклар ва ҳафталар бўйича соатлар тақсимоти							
		жами	назарий	амалий машғулот	10-синф				11-синф			
					Чораклар ва ҳафталар сони							
					1	2	3	4	1	2	3	4
					9	7	10	8	9	7	10	8
I.	Ўқув амалиёти:	330	66	264								
	Ўқув фани	330	66	264	54	42	60	12	54	42	60	6
II.	Ишлаб чиқариш амалиёти	72		72								
	Амалий меҳнат машғулоти	72		72				36				36
III.	Давлат аттестацияси	6		6								6
	Жами:	408	66	342	54	42	60	48	54	42	60	48

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**866** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд
экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 14-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2202-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 мартдаги 249-сон «Товар бозорларида монополияга қарши тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, **бюро-ман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 2 мартдаги 53-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2202, 2011 йил 2 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 9-сон, 92-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 14-банди иккинчи хатбошисидан «Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 31 октябрь,
508-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 31 октябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

867 Дорихона шароитида «ангро» маҳсулотини қадоқлаш, ўраш, маркировка ва реализация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3082*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 сентябрдаги ПҚ–3948-сон «Дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва уларнинг айланишини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Дорихона шароитида «ангро» маҳсулотини қадоқлаш, ўраш, маркировка ва реализация қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга кирди.

Вазир

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.
2018 йил 30 октябрь,
51-сон

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил
30 октябрдаги 51-сон буйруғига
ИЛОВА

**Дорихона шароитида «ангро» маҳсулотини қадоқлаш, ўраш,
маркировка ва реализация қилиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 сентябрдаги ПҚ–3948-сон «Дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва уларнинг айланишини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, дорихона шароитида «ангро» маҳсулотини қадоқлаш, ўраш, маркировка ва реализация қилиш тартибини белгилайди.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 ноябрда эълон қилинган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом талаблари гиёхвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорларга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилган:

«ангро» маҳсулоти — йирик қадоқда ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган, шунингдек, кейинчалик тайёр дори воситаларини ишлаб чиқариш (тайёрлаш) учун ишлатиладиган дори воситаси ҳисобланади;

қадоқлаш — дори воситаларини тегишли идишларга солиш, жойлаштириш.

3. Дорихона шароитида «ангро» маҳсулотини қадоқлаш, ўраш, маркировка ва реализация қилиш дори воситаларини тайёрлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган дорихоналар томонидан амалга оширилади.

4. «ангро» маҳсулотини республикага олиб киришга ва қадоқлашга асос бўлиб, ишлаб чиқарувчи томонидан тегишли дори воситаси истеъмол қадоқларида Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатлар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш натижалари Ўзбекистон Республикасида тан олинishi ҳисобланади.

5. Сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори воситаларини ва тиббий буюмларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг файриқонуний нусхаларини харид қилиш, реализация қилиш ҳамда улардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

6. Дорихоналар томонидан дори воситаларини сақлаш, қадоқлаш, ўраш ва маркировка қилиш СанҚваМ 0337-16-сон «Дорихоналарни жойлаштириш, жиҳозлаш ва эксплуатация қилишнинг санитария қоидалари ва нормалари» билан ўрнатилган талабларга жавоб берадиган хоналарда амалга оширилади.

7. Дорихона шароитида «ангро» маҳсулотини унинг хусусиятларига мувофиқ махсус ускуналардан фойдаланган ҳолда қадоқлаш, ўраш ва маркировка қилиш амалга оширилади.

8. Дорихона шароитида қадоқланган, ўралган ва маркировка қилинган «ангро» маҳсулотини чакана реализация қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рецептлар бўйича ёки Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган, рецептсиз сотиладиган дори воситалари рўйхатига мувофиқ амалга оширилади.

9. Дорихона шароитида қадоқланган, ўралган ва маркировка қилинган «ангро» маҳсулоти улгуржи реализация қилинмайди.

10. Дорихоналарда қадоқланган, ўралган ва маркировка қилинган «ангро» маҳсулоти тегишли дори воситасининг тиббиётда қўлланилиши бўйича йўриқнома билан берилади.

**2-боб. «ангро» маҳсулотини дорихона шароитида
қадоқлаш, ўраш, маркировка ва реализация қилишга
қўйиладиган талаблар**

11. «ангро» маҳсулотларини сақлаш, қадоқлаш, ўраш ва маркировка қилиш СанҚваМ 0337-16-сон «Дорихоналарни жойлаштириш, жиҳозлаш ва эксплуатация қилишнинг санитария қоидалари ва нормалари» талабларига мувофиқ амалга оширилади.

12. Дорихонага келиб тушган «ангро» маҳсулоти белгиланган тартибда кирим қилинади. Варақлари рақамланган, ип ўтказиб тикилган ҳамда ташкилот раҳбарининг имзо ва муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган журналларда ёки электрон шаклда 1-иловада келтирилган жадвал шаклига мувофиқ ҳисоби олиб борилади.

13. Дорихоналарда «ангро» маҳсулотини қадоқлаш, ўраш ва маркировка қилиш фармацевтик маълумотга эга бўлган қадоқловчи томонидан амалга оширилади. Қадоқловчи санитария қоидалари ва нормалари талабларига амал қилиши, шунингдек, бир марталик тиббий қўлқоплар билан барча жараёнларни амалга ошириши шарт.

14. Дорихоналарда «ангро» маҳсулотини қадоқлаш, ўраш ва маркировка қилиш жараёнида қўйидагиларга риоя қилиниши зарур:

қадоқлаш воситаларини санитария қоидалари ва нормалари талабларига мувофиқ ювиш ва қуритиш;

дори воситаларини идишларга қадоқлаш жараёнини махсус қадоқлаш ускуналарида амалга ошириш;

қадоқлашдан олдин қадоқлаш ускунасининг асосий ишчи қисмларини норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда ювиш ва тозалаш;

«ангро» маҳсулотини қадоқлашда амалдаги стандарт талабларига жавоб берадиган қадоқлаш материалларидан фойдаланиш;

«ангро» маҳсулотини қадоқлаш ускунасида керакли миқдорда идишларга (флакон, банка, шиша идиш, пластмасса идиш, картон ва қоғоз кути) қадоқлаш ва маркировка қилиш.

15. Дорихона шароитида «ангро» маҳсулоти қадоқлангандан сўнг маркировкасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 октябрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган Дори воситаларининг хавфсизлиги умумий техник регламентида кўрсатилган шартли белгилар ва ёзувлардан ташқари қўйидаги ёзувлар бўлиши керак:

а) «ангро» маҳсулотини ишлаб чиқарган ташкилот номи, давлати, серия рақами («ангро» маҳсулотини ишлаб чиқарган ташкилотнинг серия рақами билан қадоқланган дори воситасининг серия рақами каср белгиси (/) орқали кўрсатилади);

б) қадоқланган санаси, яроқлилик муддати ва нархи. Бунда «ангро» маҳсулотининг ишлаб чиқарилган санасидан келиб чиққан ҳолда дорихона томонидан қадоқланган дори воситасининг ўрамида бир йилдан ортиқ бўлмаган яроқлилик муддати кўрсатилади. Дорихона томонидан белгиланадиган

яроқлилик муддати «ангро» маҳсулотининг яроқлилик муддатидан ўтиб кетмаган ҳолда белгиланиши шарт.

16. Дорихона шароитида «ангро» маҳсулотини қадоқлаш, ўраш ва маркировка қилишнинг барча жараёнлари 2-иловада келтирилган жадвал шаклига мувофиқ қоғоз ёки электрон кўринишда расмийлаштириладиган қадоқлаш ишлари журналига ёзиб қўйилади.

Журналнинг varaқлари рақамланган, ип ўтказиб тикилган ҳамда ташкилот раҳбарининг имзоси ва муҳр (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлиши керак.

17. Дорихоналарда қадоқланган, ўралган ва маркировка қилинган «ангро» маҳсулотининг сифатини назорат қилиш Дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш, сақлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда уларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2990, 2018 йил 3 апрель) мувофиқ қуйидаги кўрсаткичлар бўйича амалга оширилади:

қабул қилиш назорати;

ёзма назорат;

органолептик назорат;

физикавий назорат;

тайёрланган дори воситаларини тарқатишдан олдинги назорат.

Дорихоналардаги «ангро» маҳсулоти сифатини назорат қилиш фармацевт-аналитик томонидан амалга оширилади.

18. Қадоқланган, ўралган, маркировка қилинган «ангро» маҳсулотини реализация қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 185-сон қарори билан тасдиқланган Дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

19. Дорихоналарда «ангро» маҳсулотини сақлаш, қадоқлаш, ўраш, маркировка ва реализация қилиш жараёнига жавобгар шахс этиб олий фармацевтик маълумотга эга бўлган мутахассис тайинланади.

3-боб. Яқуний қоидалар

20. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

21. Ушбу тартиб Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2018 йил 30 октябрь

Дорихона шароитида «ангро» маҳсулотини қадоқлаш, ўраш, маркировка ва реализация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**«ангро» маҳсулотининг ҳисобини олиб бориш
ЖУРНАЛИ**

«ангро» маҳсулоти номи, дозаси _____

Сана	Ой бошидаги қолдиқ	Кирим			Чиқим										Ой охиридаги қолдиқ
		кирим қилинган ҳужжат рақами ва сана	миқдори	серия, яроқлилик мuddати, ишлаб чиқарувчи корхона номи	1	2	3	4	5	-	-	-	31	бир ойлик чиқим	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	-	-	-	36	37	38

Моддий жавобгар шахс Ф.И.О. ва имзо _____

Дорихона шароитида «ангро» маҳсулотини қадоқлаш, ўраш,
маркировка ва реализация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

«ангро» маҳсулотини қадоқлаш жараёнини қайд этиш
ЖУРНАЛИ

Т/р	Сана	«ангро» маҳсулоти					Чакана нархи (шу жумладан ёрдамчи воситалар қиймати)	Қадоқланган дори восита- сининг серия рақами	Қадоқловчи Ф.И.О. ва имзоси	Жараёнга жавобгар шахсининг Ф.И.О. ва имзоси	Изоҳ
		«ангро» маҳсулот номи, дозаси ва миқдори	ишлаб чиқарувчиси	серия рақами	қадоқланган миқдори	флаконлар миқдори					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

868 2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари
ни тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, шунингдек унга
ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш
тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2956-4*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунининг 5¹-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 сентябрдаги 690-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор 2019 йил 1 январдан кучга кирилади.

Раис

Б. БЕГАЛОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 8 октябрь,
7-мб-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил
8 октябрдаги 7-мб-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил 9 ноябрдаги 6-мб-сон «2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2956, 2017 йил 19 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.12.2017 й., 10/17/2956/0429-сон);

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 20 февралдаги 1-мб-сон «2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакл-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 ноябрда эълон қилинган.

ларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар кири-тиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2956-1, 2018 йил 12 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.03.2018 й., 10/18/2956-1/0882-сон);

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 16 апрелдаги 3-мб-сон «2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакл-ларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг 6-иловасига ўзгартириш кири-тиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2956-2, 2018 йил 3 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.05.2018 й., 10/18/2956-2/1150-сон);

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 30 майдаги 4-мб-сон «2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари-ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг 99-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2956-3, 2018 йил 23 июнь) (Қонун ҳуж-жатлари маълумотлари миллий базаси, 25.06.2018 й., 10/18/2956-3/1388-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

869 2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклла-рини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3083*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 сентябрдаги 690-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. 2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари 1 — 108-илова-ларга** мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 ноябр-да эълон қилинган.

** 1 — 108-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилин-ган.

2. Мазкур қарор 2019 йил 1 январдан кучга киради.

Раис

Б. БЕГАЛОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 8 октябрь,
6-мб-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИСМОНИЙ
ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

870 «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирли-
ги тасарруфидаги Спортнинг миллий кураш турига
ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқувчиларни танлаб
олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги
қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2731-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги ПФ–4956-сон «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада та-комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2015 йил 2 ноябрдаги 25-мх, 21-сон «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2731, 2015 йил 23 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 47-сон, 600-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 ноябрда эълон қилинган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Халқ таълими вазири**Ш. ШЕРМАТОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 28 сентябрь,
43-сон

Жисмоний тарбия ва спорт вазири**Д. НАБИЕВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 28 сентябрь,
13-мх-сон

Келишилган:

Соғлиқни сақлаш вазири**А.ШАДМАНОВ**

2018 йил 28 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

871 Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3084

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги ПФ-4956-сон «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 мартдаги 41-сон «Сурхондарё вилоятида спортнинг миллий кураш турини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 ноябрда эълон қилинган.

1. Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. НАБИЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 сентябрь,
14-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
жисмоний тарбия ва спорт вазирининг
2018 йил 28 сентябрдаги
14-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган
мактаб-интернатга ўқувчиларни танлаб олиш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги ПФ-4956-сон «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 мартдаги 41-сон «Сурхондарё вилоятида спортнинг миллий кураш турини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатга (бундан буён матнда мактаб-интернат деб юритилади) ўқувчиларни танлаб олиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоида

1. Мактаб-интернатга ҳар йили танлов асосида 20 нафар қобилиятли ўқувчилар 5-синфга қабул қилинади.

**2-боб. Мактаб-интернатга танлаб олиш ва қабул қилишни
ташkil этиш**

2. Ўқувчиларни мактаб-интернатга танлаб олишни ташkil этиш мақсадида ҳужжатлар қабул қилиниши бошланишидан икки ой олдин мактаб-интернат томонидан танлов ўтказилиши тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон берилади.

3. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун мактаб-интернатда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг буйруғи билан 7 кишидан иборат (комиссия раиси, котиби ва аъзолари) таркибда қабул комиссияси тузилади.

4. Қабул комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ва Сурхондарё вилояти жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси масъул ходимлари ҳамда мактаб-интернат психологи ва тиббиёт ходими киритилади. Мактаб-интернат директори қабул комиссияси раиси ҳисобланади.

5. Қўйидагилар қабул комиссиясининг асосий вазифалари ҳисобланади: ўқувчилар ва ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (бундан буён матнда ота-оналар деб юритилади) ҳамда жамоатчилик ўртасида мактаб-интернатга қабул қилиш тартиби, шунингдек мактаб-интернатнинг фаолияти тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш;

ўқувчилар ва ота-оналар учун маслаҳатлар берилишини ташкил этиш;
ўқувчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ва расмийлаштириш;
танловни ташкил этиш ва ўтказиш;

қабул жараёни яқунларини умумлаштириш.

6. Ўқувчиларнинг ҳужжатларини сақлаш учун қабул комиссияси раиси ва котиби масъул ҳисобланади.

7. Ота-оналар томонидан қабул комиссиясига қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги ариза;

ўқувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси (16 ёшга тўлмаган фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжати) нусхаси (ҳужжатларни топшириш вақтида ҳужжатнинг асл нусхаси кўрсатилади);

ўқувчининг баҳолар (ўзлаштириш) табели нусхаси (ҳужжатларни топшириш вақтида баҳолар (ўзлаштириш) табелининг асл нусхаси кўрсатилади);

ўқувчининг спорт мусобақаларида эришган натижаларини тасдиқловчи ҳужжатлар, агар мавжуд бўлса;

ўқувчининг 3,5 x 4,5 см ўлчамдаги 6 дона рангли фотосурати;

ўқувчининг спорт паспорти нусхаси, агар мавжуд бўлса (ҳужжатларни топшириш вақтида спорт паспортининг асл нусхаси кўрсатилади).

8. Қабул комиссияси томонидан мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

9. Ҳужжатлар ҳар йили 25 июндан 25 июлгача (шу куни ҳам) қабул қилинади.

10. Ҳужжат топширган номзодлар ҳақидаги маълумотлар мактаб-интернат томонидан 1 августга қадар мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига юборилади.

3-боб. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш

11. Танловни ўтказиш учун қабул комиссияси раиси томонидан 5 ки-

шидан иборат таркибда Танлов синовларини ўтказиш ҳайъати (бундан буён матнда Ҳайъат деб юритилади) ташкил этилади.

12. Ўқувчилар мактаб-интернатга кириш учун умумий жисмоний тайёргарлик ҳамда махсус жисмоний тайёргарлик бўйича ихтисослик имтиҳонларини (синовларини) топширади.

13. Ихтисослик имтиҳонларини топширишдан олдин ўқувчилар 1 — 5 август кунлари ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасасида ташкил этилган тиббий комиссия томонидан кўрикдан ўтказилади. Тиббий комиссия таркибига мактаб-интернатнинг тренер-ўқитувчилари ҳам киритилади.

14. Тиббий кўрикдан ўтказишда ўқувчининг антропометрик кўрсаткичлари (тана вазни, бўйининг узунлиги ва кўкрак қафаси айланаси), функционал имкониятлари ва соғлиғидаги мавжуд нуқсонлари аниқланади.

15. Тиббий кўрик натижаларига кўра соғлом деб топилган ўқувчилар ихтисослик имтиҳонларини топширишга қўйилади.

16. Ихтисослик имтиҳонлари ҳар йили 6 — 10 август кунлари ўтказилади.

17. Умумий жисмоний тайёргарлик бўйича ихтисослик имтиҳонлари мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ Умумий жисмоний тайёргарлик бўйича нормативларни бажариш методикаси асосида, махсус жисмоний тайёргарлик бўйича ихтисослик имтиҳонлари эса, мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ Махсус жисмоний тайёргарлик бўйича нормативларни бажариш методикаси асосида ўтказилади ҳамда баҳоланади.

18. Ўқувчиларнинг ихтисослик имтиҳонлари натижалари ихтисослик имтиҳонлари тугаган вақтдан бошлаб 3 соат ичида қайдномага киритилади ва ўқувчиларга эълон қилинади ҳамда Ҳайъат аъзолари томонидан имзоланади.

19. Ихтисослик имтиҳонлари бўйича умумий балл умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик учун қўйилган баллар йиғиндисида кўра аниқланади.

20. Ихтисослик имтиҳонлари натижалари улар ўтказилгандан сўнг 1 кун ичида эълон қилинади. Ихтисослик имтиҳонлари натижаларига кўра энг юқори балл тўплаган 20 нафар ўқувчи ўқишга қабул қилинади.

21. Ихтисослик имтиҳонлари натижаларига кўра ўқувчиларнинг ўтиш баллари тенг бўлиб қолган тақдирда, спорт мусобақаларида эришган натижалари юқори бўлган ўқувчилар мактаб-интернатга имтиёзли кириш ҳуқуқига эга бўлади.

22. Ўқишга қабул қилинган ўқувчилар қабул комиссиясининг баённомаси билан тасдиқланади. Қабул комиссиясининг баённомаси асосида мактаб-интернат директори томонидан 20 августга қадар ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилади.

23. Ўқувчи ўқишга қабул қилинганда, мактаб-интернат директори томонидан ўқув йили бошлангунга қадар ўқувчини мактаб-интернатга яқин масофада жойлашган умумий ўрта таълим муассасасига ўтказиш чоралари кўрилади, ўқувчи мактаб-интернатга яқин масофада жойлашган умумий ўрта таълим муассасасида таълим олаётган ҳоллар бундан мустасно. Ўқувчини умумий ўрта таълим муассасасига ўтказиш Ўқувчиларни синфдан синфга ва

бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2684, 2015 йил 17 июнь) асосан амалга оширилади.

4-боб. Танлов натижалари юзасидан берилган мурожаатларни кўриб чиқиш

24. Танлов натижалари бўйича берилган мурожаатларни кўриб чиқиш учун 5 августга қадар вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармасининг бўйруғи билан мактаб-интернатда апелляция комиссияси ташкил этилади ва 3 кишидан иборат таркибда тасдиқланади.

25. Апелляция комиссияси қабул комиссияси ва Ҳайъат таркибида бўлган соҳа мутахассисларидан шакллантирилади.

26. Танлов натижаси бўйича мурожаатлар ўқувчининг ота-оналари ёки улардан бири томонидан берилади.

27. Мурожаатлар улар келиб тушган пайтдан бошлаб 24 соат ичида апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва тегишли қарор қабул қилинади. Мурожаатни кўриб чиқиш вақтида мурожаат қилган шахс апелляция комиссияси ишида ўзининг илтимосига асосан иштирок этиши мумкин.

28. Қабул қилинган қарор натижаси бўйича мурожаат қилган шахсга 1 иш куни ичида апелляция комиссияси томонидан ёзма равишда маълум қилинади.

29. Апелляция комиссияси мурожаатни кўриб чиқиш натижаларига кўра танлов натижасини бекор қилиши ёки унга тегишли ўзгартириш киритиши мумкин.

30. Апелляция комиссиясининг мурожаатни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилган қарори юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

5-боб. Яқуний қоидалар

31. Танловнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилиши ва ўтказилиши учун мактаб-интернат директори жавобгар.

32. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

33. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

Халқ таълими вазири

Ш. ШЕРМАТОВ

2018 йил 28 сентябрь

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2018 йил 28 сентябрь

Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернат директориغا

_____ (яшаш манзили)

_____ да яшовчи фуқаро

_____ дан

(ариза берувчи шахснинг Ф.И.О.)

АРИЗА

Менинг фарзандим _____ га
(ўқувчининг Ф.И.О.)

Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқишга кириш учун ўтказиладиган танлов синовларида қатнашишга рухсат беришингизни сўрайман.

_____ (ариза берувчи шахснинг Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (сана)

_____ (аризани қабул қилган шахснинг Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (сана)

Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган
мактаб-интернатга ўқишга кириш учун ҳужжатлари
топширилган номзодлар ҳақида
МАЪЛУМОТ**

Т/р	Ф.И.О.	Туғилган йили ва жойи	Таълим олаётган муассасаси	Яшаш манзили	Ҳужжат топширилган сана
1.					
2.					
3.					
...					

Қабул комиссияси раиси

(имзо)

М.Ў.

(Ф.И.О.)

Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**Умумий жисмоний тайёргарлик бўйича
нормативларни бажариш
МЕТОДИКАСИ**

1. Умумий жисмоний тайёргарлик бўйича ихтисослик имтиҳонига қўйиладиган энг юқори балл — 30 баллни ташкил қилади.

2. Умумий жисмоний тайёргарлик бўйича ихтисослик имтиҳонида ўқувчи мазкур методиканинг иловасида кўрсатилган нормативларни бажаради. Бунда: **30 метрга югуриш** — машқ паст стартда белгиланган чизиқдан «Стартга!», «Диққат!», «Югур!» буйруқлари билан бажарилади. Машқ «старт»дан «марра» чизигигача бўлган масофа бўйлаб югуриш орқали бажарилади. Ушбу машқ уч уринишда бажарилади ва энг яхши натижа ҳисобга олинади. Натижа 0,1 сониягача аниқланади;

1000 метрга югуриш — машқ юқори стартда белгиланган чизиқдан «Стартга!», «Диққат!», «Югур!» буйруқлари билан бажарилади. Машқ «старт»дан «марра» чизигигача бўлган масофа бўйлаб югуриш орқали бажарилади. Ушбу машқ бир уринишда бажарилади ва натижа ҳисобга олинади. Натижа 0,1 сониягача аниқланади;

«моксимон» югуриш (4 x 10 метр) — машқ юқори стартда белгиланган чизикдан «Стартга!», «Диққат!», «Югур!» буйруқлари билан оралиғи 120 см бўлган икки томонидан чизилган, 10 метр масофали йўлакча ичида зигзаг (илон изи) шаклида югуриш орқали бажарилади. Югуриш жараёнида бурилишларда оёқ учлари чизикдан ташқарига чиқмаган ҳолда бажарилган машқ ҳисобга олинмайди. Ушбу машқ уч уринишда бажарилади ва энг яхши натижа ҳисобга олинади. Натижа 0,1 сониягача аниқланади;

турникда тортилиш — машқ турникка икки қўлда тўғри осилиб турган ҳамда оёқлар ерга тегмаган ҳолатда, ияк турник поясидан ўтгунга қадар қўлларни букиш орқали бажарилади. Машқ бажариш жараёнида оёқларни кериш ёки букиш, танани ҳаракатсиз ҳолатда эгиш, оёқлар билан силтанма ҳаракатлар қилиш ҳамда ияк турник поясидан ўтмагунга қадар тортилиш орқали бажарилмаган ҳаракатлар ҳисобга олинмайди;

югуриб келиб узунликка сакраш — машқ югуриб келиб белгиланган чизикдан депсиниб сакраш орқали бажарилади. Депсиниш жараёнида оёқ учлари белгиланган чизикдан ўтиб кетиши орқали бажарилган сакраш ҳисобга олинмайди. Ушбу машқ уч уринишда бажарилади ва энг яхши натижа ҳисобга олинади. Натижа депсиниш чизигидан то тананинг бирорта аъзоси ерга теккан жойгача бўлган масофани ўлчаш орқали аниқланади;

жойидан узунликка сакраш — машқ оёқлар елка кенглигида турган ҳолатда, белгиланган сакраш чизигидан қўлларни олдинга-юқорига силтаб, икки оёқда олдинга депсиниб сакраш орқали бажарилади. Ушбу машқ уч уринишда бажарилади ва энг яхши натижа ҳисобга олинади. Натижа депсиниш чизигидан то оёқ товони ерга теккан жойгача бўлган масофани ўлчаш орқали аниқланади.

Умумий жисмоний тайёргарлик бўйича
нормативларни бажариш методикасига
ИЛОВА

Умумий жисмоний тайёргарлик бўйича НОРМАТИВЛАР

Т/р	Нормативлар	Баҳолаш				
		5 балл	4 балл	3 балл	2 балл	0 балл
1.	30 метрга югуриш	5,3 сония	5,8 сония	6,5 сония	6,8 сония	6,9 сония ва ундан юқори
2.	1000 метрга югуриш	5,30 дақиқа	6 дақиқа	6,30 дақиқа	7 дақиқа	7 дақиқа 1 сония ва ундан юқори
3.	«Моксисмон» югуриш (4 x 10 метр)	11 сония	11,5 сония	12 сония	12,5 сония	12,6 сония ва ундан юқори
4.	Турникда тортилиш	5 марта	4 марта	3 марта	2 марта	2 мартадан кам
5.	Югуриб келиб узунликка сакраш	3 метр	2,60 метр	2,30 метр	2 метр	2 метрдан кам
6.	Жойидан узунликка сакраш	1,60 метр	1,40 метр	1,20 метр	1 метр	1 метрдан кам

Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Махсус жисмоний тайёргарлик бўйича нормативларни бажариш МЕТОДИКАСИ

1. Махсус жисмоний тайёргарлик бўйича ихтисослик имтиҳонига қўйилган энг юқори балл — 70 баллни ташкил қилади.

2. Махсус жисмоний тайёргарлик бўйича ихтисослик имтиҳонидида ўқувчи мазкур методиканинг иловасида кўрсатилган нормативларни бажаради. Бунда:

«кўприк» ҳолатида бошда айланиш — машқ «кўприк» ҳолатида бошни кураш гиламига қўйиб, бир нуқта бўйлаб айланиш орқали бажарилади. Машқни бажариш учун қўллар тепага кўтарилган, оёқлар елка кенглигида тик турган ҳолатда оёқлар тиззадан букилиб, товонлар кураш гиламига таянади ҳамда бош орқага ташланади. Белдан орқа томонга эгилган ҳолда қўллар кураш гиламига таяниб, «кўприк» ҳолатига тушилади. Бош кураш гиламига қўйилиб, қўллар ёрдамисиз нуқта бўйлаб ўнг ёки чап томонга айланилади. Ўнг ёки чап томонга айланиш ўқувчининг хоҳишига кўра танланади. Натижа машқ ҳаракатларининг сони ва сифат кўрсаткичлари асосида баҳоланади;

«кўприк» ҳолатида қўлда айланиш — машқ «кўприк» ҳолатида қўллар билан кураш гиламига таяниб, ўнг ва чап томонга оёқ ҳаракатлари билан айланиш орқали бажарилади. Машқни бажариш учун қўллар тепага кўтарилган, оёқлар елка кенглигида тик турган ҳолатда оёқлар тиззадан букилиб, товонлар кураш гиламига таянади ҳамда бош орқага ташланади. Белдан орқа томонга эгилган ҳолда қўллар кураш гиламига таяниб, «кўприк» ҳолатига тушилади. Қўллар кураш гиламига қўйилиб, тананинг қўлдан бошқа аъзолари кураш гиламига тегмаган ҳолда доирасимон шаклда ўнг ва чап томонларга айланилади. Ўнг ёки чап томонга айланиш ўқувчининг хоҳишига кўра танланади. Натижа машқ ҳаракатларининг сони ва сифат кўрсаткичлари асосида баҳоланади;

«кўприк» ҳолатида тик туриш — машқ «кўприк» ҳолатида қўллар билан кураш гиламига таяниб, мувозанатни сақлаган ҳолда қайта тик туриш орқали бажарилади. Машқни бажариш учун қўллар тепага кўтарилган, оёқлар елка кенглигида тик турган ҳолатда оёқлар тиззадан букилиб, товонлар кураш гиламига таянади ҳамда бош орқага ташланади. Белдан орқа томонга эгилган ҳолда қўллар кураш гиламига таяниб, «кўприк» ҳолатига тушилади. 2-3 сония мувозанат ушлаб турилгандан сўнг қайта тик туриш ҳолатига қайтилади. Натижа машқ ҳаракатларининг сони ва сифат кўрсаткичлари асосида баҳоланади;

«кўприк» ҳолатида оёқларни олд ва орқага ташлаш — машқ

«кўприк» ҳолатида қўлларга таяниб, оёқларни олд ва орқа томонга ташлаш орқали бажарилади. Машқни бажариш учун қўллар тепага кўтарилган, оёқлар елка кенлигида тик турган ҳолатда оёқлар тиззадан букилиб, товонлар кураш гиламига таянади ҳамда бош орқага ташланади. Белдан орқа томонга эгилган ҳолда қўллар кураш гиламига таяниб, «кўприк» ҳолатига тушилади. Қўллар кураш гиламига қўйилиб, олд ва орқа томонга тананинг қўлдан бошқа аъзолари гиламга тегмаган ҳолда умбалок ошилади. Натижа машқ ҳаракатларининг сони ва сифат кўрсаткичлари асосида баҳоланади;

«қўшша» усулини бажариш — машқ бир қўл билан рақибнинг ўнг ёки чап тирсаги таг қисмидан, иккинчи қўл билан рақиб ёқасининг орқа қисмидан ушлаган ҳолда рақибни ўнг ёки чап ён томондан ошириб гиламга йиқитиш орқали бажарилади. Машқни бажариш давомида рақибнинг икки оёғини бирданига ён томондан ўтказмасдан бажарилган машқ ҳисобга олинмайди. Машқни ўнг ёки чап томондан бошлаб бажариш ўқувчининг хоҳишига кўра танланади. Натижа машқ ҳаракатларининг сони ва сифат кўрсаткичлари асосида баҳоланади;

Беллашув — спортнинг миллий кураш тури бўйича мусобақа қоидаларига биноан икки рақиб ўртасида 4 дақиқа давомида ўтказилади. Бунда «ҳалол» баҳоси учун 45 балл, «ёнбош» баҳоси учун 30 балл, «чала» баҳоси учун 15 балл берилади. Белгиланган вақт мобайнида кўпроқ балл тўплаган ёки огоҳлантириш («танбех», «дакки») олмаган ёхуд нисбатан кам олган ўқувчи ғолиб бўлган ҳисобланади. 4 дақиқа давомида ғолиб аниқланмаса, рақиблардан бири ижобий натижа кўрсатгунга қадар мусобақа давом эттирилади. Натижа ўқувчиларнинг тўплаган баллари асосида аниқланади.

Махсус жисмоний тайёргарлик бўйича
нормативларни бажариш методикасига
ИЛОВА

Махсус жисмоний тайёргарлик бўйича НОРМАТИВЛАР

Т/р	Нормативлар	Баҳолаш			
1.	«Кўприк» ҳолатида бошда айланиш	6 марта — 5 балл	5 марта — 4 балл	4 марта — 3 балл	3 — 0 марта — 0 балл
2.	«Кўприк» ҳолатида қўлда айланиш	6 марта — 5 балл	5 марта — 4 балл	2 марта — 3 балл	1-0 марта — 0 балл
3.	«Кўприк» ҳолатида тик туриш	6 марта — 5 балл	5 марта — 4 балл	2 марта — 3 балл	1-0 марта — 0 балл
4.	«Кўприк» ҳолатида оёқларни олд ва орқага ташлаш	6 марта — 5 балл	5 марта — 4 балл	2 марта — 3 балл	1-0 марта — 0 балл
5.	«Қўшша» усулини бажариш	8 марта — 5 балл	6 марта — 4 балл	3 марта — 3 балл	2 — 0 марта — 0 балл
6.	Беллашув	«ҳалол» баҳоси — 45 балл	«ёнбош» баҳоси — 30 балл	«чала» баҳоси — 15 балл	0

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 27 октябрдан 2 ноябргача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими марказининг 2018 йил 10 сентябрдаги 10-мх, 9/ққ-сон «Умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида бериладиган касблар бўйича малака талабларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 29 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3081.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 31 октябрдаги 508-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 14-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2202-3.

3. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 30 октябрдаги 51-сон «Дорихона шароитида «ангро» маҳсулотини қадоқлаш, ўраш, маркировка ва реализация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3082.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 8 октябрдаги 7-мб-сон «2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2956-4.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 8 октябрдаги 6-мб-сон «2019 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3083.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тар-

бия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 28 сентябрдаги 43, 13-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2731-1.

7. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 28 сентябрдаги 14-мх-сон «Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3084.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2731, 2015 йил 23 ноябрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 31 октябрдаги 512-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.